

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг  
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

*5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)*  
бакалаврият таълим йўналишининг давлат таълим стандарти

Расмий нашр

## ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

Государственные образовательные стандарты  
непрерывного образования Узбекистана

Государственный образовательный стандарт  
высшего образования

Государственный образовательный стандарт направления образования  
бакалавриата *5120200 – Теория и практика перевода (романо-германские  
языки)*

Издание официальное

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

---

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг  
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

**5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)  
бакалаврият таълим йўналишининг давлат таълим стандарти**

Расмий нашр

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази;
- Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил «10» март даги 84 - сон буйруғи.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги.

### 4. ИЛК БОР КИРИТИЛГАН.

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда қўлланилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга ўзгартиришлар киритилиши тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этилувчи кўрсаткичларда чоп этилади.

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир

## МУНДАРИЖА

	бет
1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари .....	1
2. Қўлланиш соҳаси .....	2
3. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар .....	3
4. Таълим йўналишининг тавсифи .....	4
5. 5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи..	4
6. Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар .....	6
7. Таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари .....	18
8. Бакалавриятнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар .....	25
8.1. Бакалавриятнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар .....	25
8.2. Таълим дастурларининг татбиқ этилиши .....	26
8.3. Малака амалиётини ташкил этиш талаблари .....	27
8.4. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар .....	27
8.5. Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари .....	28
8.6. Ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар .....	28
9. Бакалавр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш .....	29
10. Эслатма .....	30
11. Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати .....	30
12. Илова .....	31
13. Библиографик маълумотлар .....	32
14. Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари .....	33

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг  
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти  
5120200 – *Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)*  
бакалаврият таълим йўналишининг давлат таълим стандарти

Государственные образовательные стандарты  
непрерывного образования Узбекистана

Государственный образовательный стандарт высшего образования  
Государственный образовательный стандарт направления образования  
бакалавриата 5120200 – *Теория и практика перевода (романо-германские  
языки)*

State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan  
State Educational Standards of Higher Education  
State Educational Standards of Bachelors in 5120200 – *Translation Theory  
and Practice (Romance-Germanic Languages)*

Амал қилиниши « 20 » 05 201 9 йилдан

## 1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари

Мазкур таълим йўналиши бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қуйидаги ҳужжатларга асосланди:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5 – сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини ҳасиллаштириш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июлидаги 341-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1533-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги «Давлат бошқарув соҳасида кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4435-сон Фармони.

ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ  
5018  
18 05 2014 йилда  
таълим ре'yxatiga olindi

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 4 июлдаги 281-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Классификатори”.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 29 октябрда тасдиқланган 418-сонли буйруғи (“Магистратура тўғрисида Низом”, Адлия Вазирлигида 2012 йил 18 декабрда 2405-рақам билан рўйхатдан ўтган).

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПК-1875-сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 23 майдаги “Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-1971-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Ўзбекистон таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли Қарори.

14. Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR – Common European Framework of Reference).

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрь “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сон Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 199-сонли Қарори.

## 2. Қўлланиш соҳаси

2.1. Олий таълимнинг ушбу давлат таълим стандарти (ОТ ДТС) 5120200 – *Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

2.2. Олий таълим муассасаси мазкур таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ДТС асосида таълим дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

2.3. ОТ ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши ва тайёргарлик даражаси бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчи жамоалари;

- таълим йўналишининг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи ва деканлар);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

### 3. Атамалар, таърифлар, кискартмалар

Мазкур стандартда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

**касбий фаолият тури** – таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият объектига таъсир қилишнинг усуллари, услублари ва тавсифи;

**компетенция** – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

**модуль** – тарбиялаш ва ўқитишга йўналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантикий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари) нинг маълум бир қисми;

**таълим йўналиши** – таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган “бакалавр” академик даражаси доирасида касб фаолиятининг муайян турини бажаришни таъминловчи базавий ва фундаментал билимлар, укувлар ва кўникмалар комплекси;

**касбий фаолият объекти** – предметлар, воқеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;

**касбий фаолият соҳаси** – илмий, ижтимоий, иктисодий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият объектларининг мажмуи;

**бакалаврият** – олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълим;

**бакалавриятнинг таълим дастурлари (бакалаврият дастури)** – ўқув фанларининг бакалаврият йўналишларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи блокларга жамланган рўйхати

**ўқув-ўрганиш натижалари** – ўзлаштирилган билимлар, амалий малакалар, кўникмалар мажмуи;

ДТС – Давлат таълим стандарти;

АРМ – ахборот ресурс маркази;

ИТИ – илмий тадқиқот институтлари;

ОТМ – олий таълим муассасаси;

CEFR – Чет тилини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш.

### 4. Таълим йўналишининг тавсифи

**4.1. 5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастури амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, яқуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилди.

**4.2.** Таълим дастурининг меъёрий муддати ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.

## Таълим дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малакаси

Таълим дастурининг номи	Малака (даража)	Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг таълим дастури	Бакалавр	4 йил

### 5. 5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи

#### 5.1. Бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳаси:

5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат ва нодавлат муассасаларида комплекс масалаларни ечиш.

#### Бакалаврларнинг касбий фаолияти куйидагиларни камраб олади:

- таржима назариясида мавжуд муаммолар бўйича илмий қарашларни таҳлил қила билиш;
- терминологик лугатлар тузиш, турли соҳалар бўйича иш жараёнларида апробациядан ўтказиш;
- таржимадаги асосий усулларни, таржима сифатини баҳолаш мезонларини билиш;
- турли жанрга мансуб ҳозирги ва классик бадий асарларни таҳлил қила билиш;
- бадий асарларни таржима қилиш ва унга алоқадор муаммоларни таҳлил қила билиш;
- таржима соҳасига замонавий педагогик ва ахборот технологиясини қўллаш;
- таржиманинг турлари бўйича назарий билимга эга бўлиш;
- чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига турли матн ва нутқларни оғзаки ва ёзма шаклда, тўғри ва сифатли таржима қила олиш;
- таржимада миллий маданий хусусиятларни ифода этиш кўникмаларига эга бўлиш;
- турли муассасаларда турист йўлбошловчиси, ҳаво йўларида сервис ходими, турли фирма ва меҳмонхоналарда менежер хизматини кўрсата олиш кўникмаларига эга бўлиш.

#### 5.2. Бакалаврларнинг касбий фаолиятининг объектлари:

5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий фаолиятининг объектлари куйидагилар:

- ўрганилаётган тилнинг назарий ва амалий асослари ва лугат бойлиги, мазкур тилда илмий ва бадий адабиётларни таржима қилиш жараёнлари;
- ўрганилаётган тилдаги таржималар ва унинг ривожланиш жараёни;
- ўрганилаётган тиллардан бири бўйича унинг назарий, тарихий, шевашунослик аспекти;
- таржима назарияси ва амалиётининг асослари, матн таржимаси, синхрон таржима, кетма-кет таржима, бадий таржима, терминология таржимаси, ёзма таржима, оммавий ахборот таржимаси, визуал таржима ва нутқ маданияти тамойиллари.

#### 5.3. Бакалаврларнинг касбий фаолиятининг турлари

- илмий –тадқиқот фаолияти;
- таржимонлик фаолияти;
- таржимонлик ва муҳаррирлик фаолияти;

- ташкилий-бошқарув фаолият;
- ОАВ да таржимонлик фаолияти;
- ташкилий-бошқарув;
- Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг мос таълим муассасаларида педагогик фаолият (қайта тайёрлашдан сўнг).

Бакалавр тайёрланган касбий фаолиятнинг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим тизими томонидан аниқланади.

### 5.3.1. Ихтисослашув имкониятлари

5120200 – *Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)* таълим йўналишини тугаллаган бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг мос таълим муассасаларида ўзлари эгаллаган чет тилларидан дарс беришга рухсат этилади.

### 5.4. Бакалаврлар касбий фаолиятининг вазифалари

5120200 – *Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)* таълим йўналиши бўйича бакалавр таълим дастурини ўзлаштириш натижасида касбий тайёргарликнинг асосий турлари ва таълим йўналишининг тайёргарлигига мос қуйидаги касбий вазифаларни бажариши керак:

#### Илмий-тадқиқот фаолияти:

- ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича методлар, дастурий ечимлар, янги тадқиқотлар қилиш ва ишлаб чиқиш;
- намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий семинарлар, илмий-амалий конференциялар ишида иштирок этиш;
- илмий-амалий журналларга мақолалар тайёрлаш.

#### Таржимонлик фаолияти:

- Республикада фаолият кўрсатувчи ташкилотлар, қўшма корхоналар, вазирликлар, элчихоналар, халқаро ташкилотлар турли муассасаларда чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига оғзаки ва ёзма таржима қилиш;
- бадний, илмий асарларни чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига таржима қилиш.

#### Таржимонлик ва муҳаррирлик фаолияти:

- матбуотларда, радио ва телевидение компанияларда, киностудияларда матнларни она тилига ва она тилидан чет тилларга таржима билан боғлиқ таржимонлик ишини бажара олиш ва матнларни таҳрир қилиш ва муҳаррир-таржимон вазифаларида ишлаш;

#### Оммавий ахборот воситаларида таржимонлик фаолияти:

- чет тилларидаги газета ва журналларни она тилига таржима қилиш;
- радио ва телевидениеда таржимон-иш юритувчи;
- чет тилларидаги эшиттиришларни олиб боровчи суҳандон;
- радио эшиттиришлари, телевидение кўрсатувларини таржима қилиш;

#### Ташкилий-бошқарув фаолияти:

- маориф, маданият, туризм соҳаларида таржимон-иш юритувчи ва бошқалар;
- таржимонлик фаолияти сифатини бошқариш жараёнини ишлаб чиқиш ва таъбиқ этиш.

Умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг мос таълим муассасаларида педагогик (қайта тайёрлашдан сўнг):

- умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг мос таълим

- муассасаларида чет тилларни ўқитиш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноънанавий ўқув машгулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машгулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машгулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиши;
- мустақил таълим ва илмий-ижодий изланиш ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш.

#### 5.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

**5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин **5A120201 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)** мутахассислиги ҳамда турдош таълим йўналишларининг магистратура мутахассисликлари бўйича таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган икки йилдан кам бўлмаган муддатда магистратурада ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, беш йиллик амалий иш стажига эга бўлган бакалавр уч йилдан кам бўлмаган муддатда олий таълим муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларида катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчи сифатида ўқишни давом эттириши мумкин.

Педагогик фаолиятни олиб борганда ўз малакасини ҳар уч йилда ошириб туриши керак.

## 6. Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

**6.1. 5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар: қуйидаги умумий малакавий компетенцияларни эгаллаган бўлиши керак:

Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги ҳужжати умумэътироф этилган халқаро меъёрлардан биридир. Ушбу ҳужжатнинг муайян ўринларини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ҳамда таржимашуносликка ўргатишга оид фармон ва қарорлар асосида ишлаб чиқилди.

#### а) умумий талаблар малакавий компетенциялар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий масала ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- Ватан тарихини билиши, маънавий, миллий ва умуминсоний кадриятлар масалалари юзасидан ўз нуқтаи назарини баён этиши ва илмий асослай олиши, миллий гоё асосида фаол ҳаётий ўринни эгаллаши;

- жамият ва табиатда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақидаги яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана олиши;

- жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгилловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот тўплаш, таҳлил қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва унумли фойдаланиш методларини эгаллаш, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил фикрлаш ва керакли қарорларни қабул қила олиши;

- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмонан бақувват ва спорт билан шугулланиб бориш зарурати тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний такомиллаштиришнинг кўникмаларига эга бўлиши лозим.

#### **Малакалар:**

##### **тинглаб тушуниш:**

**C 1 даража – таълимнинг сўнгги босқичида эришилади:**

– бевосита ва тажриба (аудио-видео маълумот) мулоқоти орқали барча маълумотларни англаш;

– илмий маълумотлар асосий мазмунининг маълум бир хусусиятларига аҳамият бериб, эркин тушуниш ва уни оғзаки ва ёзма таржима қилиш;

– лингвистика ва таржимашунослик соҳаларига оид барча атамаларни тушуниш.

##### **гапириш:**

##### **Диалог.**

– барча мавзулардаги мулоқотда эркин қатнашиш, уни эркин таржима қилиш;

– тил соҳиблари билан расмий ва норасмий вазиятда муҳокамада қатнашиш ва уларнинг нутқини она тилига бемалол таржима қилиш;

– барча диалог турларини билиш ва уларни таржима қила олиш.

##### **Монолог.**

– турли манбалардан олинган маълумотларни умумлаштириб таржима қила олиш;

– турли жанр ва турларга мансуб матнларни ҳар томонлама таҳлил ва таржима қилиш;

– визуал ва вербал ифодалаш воситаларини қўллаб, оғзаки тақдимотни ва маърузаларни таржима қилиш.

##### **Ўқиш:**

– турли жанр, ҳажм ва мураккаб матнларни тушуниш, уларнинг мазмунини ва стилистик хусусиятларидаги фарқини баҳолаш ва шу асосида уларни таржима қилиш;

– турли жанрдаги классик ва замонавий адабиётларни англаш ва уларнинг мазмунини тўғри ва аниқ тушуниб таржима қила олиш;

– ҳар хил турдаги матнларни лингвистик таҳлил қилиш, талқин ва таржима қилиш;

– дугат билан ёки дугатсиз турли жанр ва ҳажмга эга бўлган илмий матнларни тушуниш; илмий маълумотларнинг аҳамиятини, янгилигини, ишончлилигини баҳолаш; турли назария ва фикрларни таҳлил қилиш, қиёслаш ва умумлаштириш орқали ўрганиш ва уларни ёзма таржима қилиш.

##### **ёзув:**

– расмий ҳужжат ва хатларни тузиш, ёзиш ва таржима қилиш;

– абзац ва бутун бир матннинг тузилиш хусусиятига кўра турли жанрдаги матнларни (эссе, мақола, маъруза, реферат, конспект, магистрлик диссертациялари) таржима қилиш;

– мавзунини баён қилиш, ўзгалар фикрларини умумлаштириш, керак бўлган маълумот ва далилларни келтириш ва баҳолаш, танланган маълумотнинг жанрига кўра таржима қилиш;

– бажарилган топширик, лойиҳа, илмий-тадқиқот мавзуси натижалари ҳақида ёзма ахборот ва маъруза ҳақида ҳисоботни ёзма таржима қилиш;

– хулоса, тақриз, резюме, мақола, диссертация, маъруза, тақдимотларни ёзма таржима қилиш.

##### **таржима:**

– лексик эквивалентлик нормаларига риоя қилиб, грамматик, синтактик, стилистик ва лингвостилстик мувофиқликка амал қилган ҳолда матнларни ёзма таржима қилиш;

– лексик эквивалентлик нормаларига риоя қилиб, грамматик, синтактик, стилистик ва лингвوماданий мувофиқликка ва таржима қилинган матннинг темпорал хусусиятларига амал қилган ҳолда тадрижий таржима ва варақдан оғзаки таржималарни амалга ошириш;

– оғзаки тадрижий таржима қилишда таржима ёзувларининг қисқартириш тизимини қўллаш (стенография);

– дастлабки баённи аниқ тушунишга, таржима жараёнини тайёрлашга, керакли бўлган маълумотни махсус адабиёт ва интернет сайтларидан қидиришга ёрдам берадиган матнни таржимадан олдин таҳлил қилиш усуллари қўллашни билиш;

– турли услубдаги таржима қилинган матнларни таҳрир қилиш.

#### **Лингвистик компетенция:**

**нуткнинг орфографик жиҳати:** турли катталиклаги абзацлар тузиш ва бошқа қоидаларга риоя қилган ҳолда боғланган, тушунарли матнлар туза олиш; орфография (имло қоидалари) ва тиниш белгилари қоидаларига риоя қилиш ҳамда она тилининг таъсирдан холи бўлиш.

**нуткнинг фонетик жиҳати:** аниқ табиий талаффузга эга бўлиш.

**нуткнинг лексик жиҳати:** касбга тегишли мавзу бўйича ва бирор нарсани тасвирлаш имконига эга умумий мавзуга доир етарлича луғат бойлигига эга бўлиш, мавзуга мос келадиган умумий масала юзасидан ўз нуқтаи назарини ифодалаш; сўз ва ибораларнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун фикрни янгича шакллантира олиш, бироқ баъзан мулоқотга ҳалакит бермайдиган зарур сўزلарни танлашда қийинчиликларга дуч келиш.

**нуткнинг грамматик жиҳати:** гапларнинг грамматик жиҳатдан тўғри тузилганлигини назорат қила олиш қобилиятини ёки лаёқатини кўрсата билиш; айрим мураккаб синтактик конструкциялардан фойдалана олиш. Тушунишга ҳалакит берадиган хатоларга йўл қўймаслик; ўзи йўл қўйган хатоларни топа билиш ва бартараф қила олиш.

#### **Социолингвистик компетенция:**

Баҳсли ва мунозарали масалаларни ҳал қилиш учун (масалан, бахтсиз ҳодисада айбдорлигини билдириш) етарли тил воситаларига эга бўлиш; тилнинг зарур воситаларини қўллаб, бадал тўлаш, талабларни қисқа баён қила олиш, муроСага келишни талаб қилиш ва розилик меъёрларини аниқ ифодалаш; мулоқотнинг расмий ҳамда норасмий услубларини қўллаш лаёқатига эга бўлиш.

#### **Дискурсив компетенция:**

Таълимнинг ушбу босқичида фан мазмуни асосида нутқий вазиятлар доирасида турли жанрлардаги асарлар – китоблар, мақолалар, ҳужжатлар, қонун ва қоидалар қабиларда аутентик касбга йўналтирилган матннинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш.

#### **Стратегик компетенция:**

Агар изох ва хатолар сўзловчи томонидан аниқланса ва у тушунмовчиликка олиб келса, уларни тузата билиш.

#### **Социомаданий компетенция:**

Таълимнинг ушбу босқичида фан мазмуни асосидаги касбий коммуникатив вазиятлар доирасида эквивалентсиз касбга оид сўزلарни билиш ва уларни матнларда (жумладан, маълумотномалардан фойдаланган ҳолда) тушуниш; тили ўрганилаётган мамлакатдаги касбий фаолиятнинг предмети ва объектини аниқлашчи сўزلарни билиш; тили ўрганилаётган мамлакатда қабул қилинган касбий мулоқот меъёрларига мувофиқ тарздаги нутқий муомалани ва одоб (этикет) қолип сўз ва ибораларини қўллаш билиш.

#### **Ижтимоий компетенция:**

Ўзининг тараққий топиши, малака ва маҳоратининг юксалишига тайёр эканлиги; ҳамкорлик ва ҳамкасблари билан ҳамкорликка; инсонларга нисбатан ҳурматни ва бошқа маданиятга толерантликни сақлаган ҳолда жамиятда қабул қилинган одоб-ахлоқ ва

хукукий меъёрлар асосида ижтимоий ҳамкорликка тайёрлик; шерикчилик, ишончли муносабатларни қўллаб-қувватлашга жавобгарликни сезишга тайёрлик.

**Билиш ва англаш компетенцияси:**

Машғулотларда, уйда, кутубхона кабиларда мустақил ишлай олиш, турли иш шаклларида ташкил этиш ва аутентик касбий манбалардан зарур маълумотларни олиш, ишлаб чиқиш ва қўллаш учун замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш асосида барча касбий фаолиятни ташкил этиш.

**б) касбий талаблар компетенциялар, жумладан:**

**Умумкасбий компетенциялар:**

**таржима жараёнида:** таржиманинг назарий асослари билан қатнашиш, таржиманинг грамматик, лексик, фразеологик, стилистик ва прагматик муаммолари, таржима типлари, лексик муқобиллик, таржимада қўлланиладиган асосий методлар ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиши;

**таржимонлик соҳасида:** таржима тарихида юзага келган муаммолар ва олимларнинг таржимачилик ҳақидаги баҳслари, фикр-мулоҳазалари, таржима соҳасида яратилган асосий методлар, қадимги давр таржимонлари ва тадқиқотчиларнинг тажрибаларини ўрганиш, таржимашунослик соҳасида мавжуд бўлган баҳслар ҳақида асосий масалаларни ўрганиш, таржимани ҳолисона баҳолай олиш ва таҳлил қилиш, ёзма, оғзаки ва визуал таржиманинг асосий хусусиятларини ўрганиш *малакаларига эга бўлиши;*

**таржима соҳасида:** таржима назарияси ва тарихи соҳаси бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориш, таржима тарихида буюк таржимонлар яратган тажриба ва услубларини ҳозирги замон таржимачилигига татбиқ эта олиш, назарий билимларни амалиётда қўллашни билиш, таржимашунослик соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, олинган назарий билимларни асарлар таржимасида қўллай олиш, таржимада тил воситаларини онгли равишда танлаш, лексик, семантик, фразеологик услубий матнларнинг ўзига хосликларини она тили ва чет тилларида инобатга олиш малакасини эгаллашга имкон яратишни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

**таржима ва таълим соҳаларида:** ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига қўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш ҳамда замонавий технологияларни эгаллаш ва татбиқ этишни турли соҳаларида чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига оғзаки ва ёзма таржимани, визуал, синхрон, терминологик, кетма-кет таржимани *билиши;*

**Касбий маҳорат бўйича:** ўз билими ва кўникмасини эгаллаган лавозимида мустақил фаолият кўрсатиш талабларига ва профессионализмга *эга бўлиши керак.*

**Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг мос таълим муассасаларида педагогик (қайта тайёрлашдан сўнг) фаолиятда:**

- амалий ва назарий билимларни ўргатишнинг янги педагогик методларини билиш ва қўллай олиш;

- ўқитилаётган фанда кечаётган ҳар қандай ўзгаришларни ижодий равишда кузатиб бориш, ўқитишнинг услуб ва воситалари соҳасида ўз билим ва кўникмаларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориши *керак.*

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича методлар, дастурий счимлар, янги тадқиқотлар қилиш ва ишлаб чиқиш; намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш; ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий обзорларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

- интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қидириш ва топшиш қобилиятига эга бўлиши;

- илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёргарлик ихтисослигига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш қобилиятига эга бўлиши керак.

**Таржимонлик фаолиятида:**

- терминологик таржима ишларини ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш;
- бадний таржима ишларини ташкил этиш;
- ўргатилаётган тилларни жадаллашган усулда ўргатиш ва хизмат кўрсатишни ташкил қилиш;
- халқаро конференцияларда синхрон, визуал, кетма-кет таржима қила олиш каби қобилиятларга эга бўлиш;
- амалиётда инфор­мацион технологияларни халқаро ва касбий стандартларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш қобилиятига эга бўлиши керак.

**Ташкилий-бошқариш фаолиятида:**

- маориф, маданият, туризм соҳаларида таржимон сифатида иш юритувчи;
- таълим сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- таълим жараёнларининг самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган технологияларни режалаштириш;
- ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келадиган ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- таълим жараёнида сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- таълим жараёнида атроф-муҳитни ва меҳнат хавфсизлигини назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиш каби қобилиятларга эга бўлиши керак.

**Оммавий ахборот воситаларидаги таржимонлик фаолияти:**

- чет тилларидаги газета, журналларда, радио-телевидениеда чет тилларидаги эшиттиришларни олиб боровчи суҳандон каби қобилиятларга эга бўлиши керак.

**6.2. Таълим дастурлари бўйича бакалаврларнинг билим, малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар**

**6.2.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича талаблар**

*Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар* блоклар бўйича талаблар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган “*Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар*” блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар” асосида белгиланади.

**6.2.2. Математик ва табиий-илмий фанлар бўйича талаблар**

**6.2.2.1. Олий математика асослари фани бўйича**

**Бакалавр:**

- математика дунёни билишнинг ўзига хос усули, унинг тушунчалари ва тасавурларининг умумийлиги ҳақида *тасаввурга эга бўлиши*;
- объектларнинг миқдорий ва сифат нисбатларини ифодалаш учун математик символлардан фойдаланиш;
- аналитик геометрия, чизикли алгебра, математик таҳлил, назарияси, эхтимоллик назарияси ва статистиканинг асосий тушунчалари ва методларини;
- функционал ва ҳисоблаш масалаларини ечиш моделларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- алгебраик тенгламаларни аналитик ва сонли ечиш;
- амалий масалаларнинг математик модулини тузиб, бу масалаларни аналитик ва сонли ечиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### 6.2.2.2. Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича

##### Бакалавр:

- ахборотларни йиғиш, узатиш, қайта ишлаш ва тўплаш жараёнлари;
- ахборотларни тарқатиш жараёнларида техник ва дастурлиш воситалари;
- технология, ахборот технологиялари тушунчалари, уларнинг кўринишлари ва классификацияси;
- замонавий ахборот технологиялари воситалари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- шахснинг ўқишида, тарбияланишида ва ривожланишида замонавий ахборот технологияларидан фойдалана олишни;
- педагогик дастурий воситаларни тайёрлашни;
- график ахборотларни тайёрлаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш технологиясини;
- мультимедиа технологиясини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- тармоқ технологияларидан тилларни ўқитишда фойдаланиш;
- интернет, технологиясини хорижий тилларни ўқитишда қўллаш;
- хорижий тилларни масофадан ўқитиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### 6.2.2.3. Ёш физиологияси ва гигиена фани бўйича

##### Бакалавр:

- материя тузилишининг биологик шакли хусусияти, тирик системаларни қайта тиклаш ва ривожлантириш тамойиллари;
- биосфера ва унинг эволюцион йўналиши;
- тирик системалар яхлитлиги ва гомеостази;
- организм ва атроф-муҳитнинг ўзаро таъсири, организмлар ҳамжамоаси, экотизимлар;
- одам биосфераси ва ижтимоий биологияси бирлиги табиати нуқтаи назаридан уларнинг касбий фаолиятидаги оқибатлари;
- организм ва муҳитнинг узвийлиги, экосистема, табиатни асраш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш;
- ер таракқиётида инсоннинг ўрни, ягона маданият парадигмаси ва ноосфера *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- инсон фаолиятига алоқадор турли илмий тамойилларни қўллашни;
- биосфера мўътадиллигида ижтимоий омилларнинг ролини;
- ёш авлодни тарбиялашда ёш физиологияси предметининг ўқув фанлари орасидаги ўрни ва мавқеини;
- болалар ва ўсмирлар психофизиологик хусусиятларини;
- ўқув жараёнига нерв системаси, физиологияси, олий нерв фаолиятида учрайдиган юқумли касалликларнинг таъсирини;
- ёш физиологияси фанининг асослари ва гигиена талабларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- ёш физиологияси бўйича билимларга таяниб, таълим -тарбия жараёнига илмий ёндашиш;
- болаларнинг ақлий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантириш;
- гигиена талабларига риоя қилиш;
- ўқув муассасаларида санитария -гигиена талаб ва меъёрларга таянган ҳолда меҳнат ва дам олиш тартибини самарали ташкил қилиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### 6.2.2.4. Экология фани бўйича

##### Бакалавр:

- коинотнинг яхлит физик объект эканлиги ва унинг эволюцияси;

- табиий фанларнинг фундаментал (негиз бирлиги) табиатни билишнинг тугаллан-маслиги, унинг янада тараккий этиши;
- табиатда дискретлик ва давомийлик;
- табиатдаги тартиблилик ва тартибсизлик орасидаги нисбат ҳақида, объектлар тузилишининг тартибга солинганлиги, уларнинг тартибсизлик ҳолатига ўтиши ва аксинча ҳолатлар;
- табиатнинг динамик ва статистик қонунлари;
- табиий тизимнинг объектив тавсифи бўлган эҳтимоллик;
- табиатшуносликнинг турли бўлимларидаги ўлчамлар ва ўзига хослик;
- табиатшуносликнинг фундаментал константалари;
- симметрия тамойили ва табиатни асраш қонунлари;
- табиатдаги ҳолатлар ва унинг вақт ўтиши билан ўзгариб туриши;
- табиатдаги объектларнинг индивидуал ва коллектив муносабатлари;
- табиатшуносликда замон;
- табиатни муҳофаза қилишнинг экологик тамойиллари, табиатдан оқилона фойдаланиш, табиатни асрашга қаратилган технологиялар яратиш истикболи;
- табиатшуносликдаги энг янги кашфиётлар, улардан техник қурилмалар яратишда фойдаланиш истикболлари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- механика, электр ва магнетизм, тебраниш ва тўлқинлар, квант физикаси, статистик физика ва термодинамика, моддаларнинг реакцияга бардошлилиги, экологиянинг асосий тушунчалари, қонунлари ва моделларини;
- физика ва экологияда назарий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориш усуллари;
- физик ва биологик ҳодисаларнинг зарарли оқибатларидан атроф-муҳитни, инсонни муҳофаза қилиш усуллари ва методларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- содда физик, кимёвий ва биологик тизим моделларидан ўқув жараёнида фойдаланиш;
- экологик муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқлай олиш;
- ижтимоий-экологик мувозанат қондаси билиш;
- табиат муҳофазаси ва табиатдан самарали фойдаланишнинг экологик тамойиллари, табиатга зарар етказмайдиган технологиялар яратиш **қўникмаларига эга бўлиши керак.**

#### 6.2.2.5. Ҳаёт хавфсизлиги фаолияти фани бўйича

##### Бакалавр:

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш
- хавфсизлик техникаси ва технологиясини, атроф-муҳит соҳасида халқаро ҳамкорликни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш **қўникмаларига эга бўлиши керак.**

#### 6.2.2.6. Мамлакатшунослик фани бўйича

##### Бакалавр:

- тили ўрганилаётган мамлакатларнинг (минтақа) табиий ва ижтимоий географияси, иқтисодиёти, сиёсий тузуми, сайлов тизими ва конституцияси;
- тили ўрганилаётган мамлакатларнинг этник таркиби, дини, маданияти ва спорти;
- тили ўрганилаётган мамлакатларнинг маиший ҳаёти, байрамлари, урф-одатлари ва халқларининг илмий, маданий мерослари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

- тили ўрганилаётган мамлакатларда кузатилаётган сиёсий ва иқтисодий жараёнларни;
- тили ўрганилаётган мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий географияси назарий билимларини;
- хорижий мамлакатларнинг тарихий ривож ва замонавийлиги нуқтаи назаридан ижтимоий- иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларнинг шаклланиш масалаларини;
- тили ўрганилаётган мамлакатлар тарихи, географияси, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тизими, халқаро муносабатлари, уларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги геосиёсий ўрни ҳақида *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- атлас, статистик жадваллар, сиёсий, табиий ва иқтисодий хариталар билан ишлаш;
- тили ўрганилаётган мамлакатлар ҳақидаги керакли маълумотларни оммавий ахборот воситаларидан топа билиш;
- тили ўрганилаётган мамлакатлар ҳақида курс ишлари, эссе ва мақолалар ёза билиш;
- тили ўрганилаётган мамлакатлар ҳақида маъруза матнлар ярата олиш ва унингловчилар олдида тақдиротини қила олиш;
- тили ўрганилаётган мамлакатларнинг тарихий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишини таҳлил қилиш;
- тили ўрганилаётган мамлакатларнинг тарихий илдизлари ҳақида тўлиқ тасаввур шакллантира олиш *кўникмаларига эга бўлиши керак*.

### 6.2.3. Умумқасбий фанлар бўйича талаблар

#### 6.2.3.1. Асосий ўрганилаётган тил фани бўйича

##### Бакалавр:

- ўрганилаётган тилнинг морфологик тузилиши ва товуш тизими;
- ўрганилаётган тилдан ўқитиш олиб борилаётган тилга таржима амалиёти спецификаси ва стилистик хусусиятлари, меъёрий грамматика асослари;
- ўрганилаётган тилнинг ривож ва тил доирасидаги асосий экстралингвистик шаклланишининг асосий омиллари ҳамда тарихий манбалари, унинг диалектик хилма-хиллиги *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- асосий ўрганилаётган тилнинг ёзма, адабий ва турмушдаги шакллари;
- тилнинг замонавий ҳолати тавсифи, ёзув, графика, орфография, тиниш белгилари, лексик-грамматик туркумлар, сўз тузилиши, бошқа тиллардан кириб келишнинг умумий тарихини;
- содда ва қўшма гаплар, сўз бирикмалари синтаксиси; лексика ва ёзма нутқ, диалектик лексиканинг асосий хусусиятларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- асосий ўрганилаётган тилнинг ҳозирги замон адабий шаклида турли хил мураккабликдаги матнларнинг ёзма, катор ҳолларда ўқитиш олиб борилаётган тилга классик таржима;
- ҳар хил мавзу ва мураккабликдаги матнларни ўқитиш олиб борилаётган тилдан асосий ўрганилаётган тилнинг ҳозирги замон адабий шаклига ёзма таржима;
- асосий ўрганилаётган тилда суҳбат олиб бориш, чикиб нутқ сўзлаш;
- асосий ўрганилаётган адабий тилдан ўқитиш олиб борилаётган тилга суҳбат, нутқ ва сўзга чиқишларни оғзаки кетма-кет ва синхрон таржимаси;
- ўрганилаётган ва ўқитиш олиб борилаётган тилдаги маълумотларни қўллаб аңнотация, реферат, маълумотлар тўплаш, тузиш *кўникмаларига эга бўлиши керак*.

#### 6.2.3.2. Тил назарияси фани бўйича

##### Бакалавр:

- тилнинг белгилар тизими эканлиги, тил ва жамият, тил ва тафаккур ўртасидаги муносабат;

- тилнинг ички қурилиши ва тилни ривожлантиришга олиб келадиган ташқи омиллар;

- тилларнинг классификацияси ва уларнинг тамойиллари;
- тилшунослик тарихидаги асосий йўналишлар ва мактаблар;
- тилшуносликда қўлланиладиган илмий изланишлар методлари;
- қиёсий-тарихий тилшунослик соҳасидаги мувозарали масалалар;
- умумий тилшунослик бўлимлари ва соҳалари;
- умумий тилшуносликдаги ёндашувлар ва асосий йўналишлар *тўғрисида*

*тасаввурга эга бўлиши;*

- тилшуносликнинг фанлар орасида тутган ўрни ва аҳамияти;
- Тил ва ёзув, ёзув тарихи, алифбо ва унинг турлари ва тарихи;
- Ўрганилаётган тилларда фойдаланиладиган алифболарнинг тарқалиш

географияси;

- Ҳинд-европа тиллари оиласи ва унинг таркибидаги тил гуруҳлари;
- Герман ва роман тилларининг ўзига хос хусусиятларини;
- барча тилларга хос бўлган ўхшаш ва фарқ қилувчи ҳамда универсал жиҳатларни

*билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- нотаниш тилларда ёзилган нутқ намуналарини алфавити ва фонетик турига қараб фарқлай олиш;

- ҳозирда мавжуд тил шакллари ва ҳодисаларига тарихий жиҳатдан изоҳлар бера олиш;

- тилшунослик, турли йўналишлари бўйича илмий мақола, маъруза ёза олиш;
- соҳа бўйича мавжуд янги маълумотлардан илмий ишларда самарали фойдаланиш

*кўникмаларига эга бўлиши керак.*

### 6.2.3.3. Таржима назарияси ва тарихи фани бўйича

**Бакалавр:**

- чет тилида сўзлашувчи халқнинг таржима соҳасида эришган тажрибаси;
- Европадаги романлар, скандинавлар ва норманлар истилоси давридаги таржимага бўлган эътибор;
- қадимий таржима мактаблари ва уларнинг фан, маданиятга қўшган ҳиссалари;
- Европа ва Марказий Осиёдаги атоқли таржимонлар ҳаёти ва уларнинг таржима назариясига қўшган ҳиссалари;
- турли асарлардаги таржимашуносликда пайдо бўлган қарашлар ва муаммолар;
- юртимизнинг улуғ намоёндалар Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Фаробий, Бобур, Алишер Навоий ва бошқаларнинг таржимачиликка қўшган ҳиссалари;
- таржиманинг назарий асослари билан қатнашиш;
- таржиманинг грамматик муаммолари;
- таржиманинг лексик муаммолари;
- таржиманинг фразеологик муаммолари;
- таржиманинг стилистик ва прагматик муаммолари;
- таржима турлари;
- лексик муқобиллик;
- таржимада қўлланиладиган асосий методлар ҳақида;
- нотик нутқнинг асосий мазмунини тезда англаш ва нотик нутқидан кечга қолмай таржима қилиш қобилиятини шакллантириш;
- сўз ва гап маъноларини эсда сақлаш ва нотик нутқидаги ноаниқ сўз ва гапларни контекст орқали англаб олиш;
- нотик нутқидаги сўз ва ибораларни синонимлар билан алмаштира билиш;
- микроревью, компрессия, субституция, трансформация (табдил) ҳодисаларини билиши ва уларни синхрон таржимада қўллай олиш;
- она тили ва таржима қилаётган тилни нечоғлиқ муқамал билиш;

- мамлакатимизда ва дунёдаги воқеалардан хабардор бўлиш;
- информатив ахборотларни таржима қилиш;
- ўрганилаётган тилда нашр қилинган газеталар, журналларнинг номи, уларнинг структураси ва мақолаларни жойлаштириш;
- ўрганилаётган тилда сўзлашувчи халқнинг маданияти, давлат тузуми, конституцияси ва географик тузилиши;
- сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётда учрайдиган воқеалар, хабарларга оид сўз ва иборалар ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- таржима тарихи соҳаси бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб боришни;
- таржима тарихида буюк таржимонлар яратган тажриба ва услубларини ҳозирги замон таржимачилигига татбиқ эта олишни;
- назарий билимларни амалиётда қўллашни;
- таржимашунослик соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб боришни;
- олинган назарий билимларни асарлар таржимасида қўллай олишни;
- маориф, маданият, туризм соҳаларида, турли давлат муассасаларида, меҳмонхона, кўшма корхоналар, халқаро ташкилотлар, фирмаларда таржимонлик амалиётини ўташни;
- таржима назарияси ва курси бўйича назарий ва амалий билимларни;
- таржима турларини;
- таржимада тил воситаларини онгли равишда танлаш, лексик, семантик, фразеологик услубий матиларни ўзига хосликларини она тили ва чет тилларида инобатта олиш малакасини эгаллашга имкон яратишни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- таржимани объектив баҳолай олиш ва таҳлил қилиш;
- ёзма ва оғзаки таржиманинг асосий хусусиятларини ўрганиш;
- турли давлат, нодавлат ва маъмурий ташкилотларда таржима қилиш жараёнини ташкил қилиш ва кузатиш;
- таржимани қабул қилинган таржима қилиш методикаси қоидаларига тўғри келишини баҳолаш;
- она тили ва чет тилига қилинган материалларни таҳлил қилиш;
- таржима қилиш вазифаларига мос келадиган мотивацион дидактик материаллар, инфорацион технологияни тайёрлаш ва қўллаш;
- кўникма, малакаларни текшириш учун турли топшириқ, вазифаларни тузиш;
- таржима амалиётини яхшилашга қаратилган методик таклифларига асосланган хулосалар бера олиш;
- чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига таржима бўйича факультатив машғулотлар ўтказиш;
- амалиёт ўтаётган муассасаларнинг ижтимоий ишларида катнашиш;
- талабалар давлат ва нодавлат ташкилотлар, муассаса, идора ва корхоналарда назарий ва амалий билимларни қўллай олиши;
- танланган соҳалари бўйича фаолият юритишнинг касбий асосларини эгаллаш;
- кутубхоналарда (ахборот ресурс марказларида) ахборот йиғиш ва гуруҳлаш технологияси бўйича амалий кўникмаларини намойиш қилиш;
- иш фаолиятида давлат йўриқномаларидан талаб даражасида фойдалана олиш;
- талабаларда шахслараро мулоқот маданияти ва коммуникатив компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш каби *кўникмаларига эга бўлиши керак*.

#### 6.2.3.4. Амалий таржима фаши бўйича

##### Бакалавр:

- амалий таржима, унинг усул ва методлари;
- чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига таржима қилишнинг ўзига хос хусусиятлари;
- барча тил бирликлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини таржима қилиш;

- амалий таржиманинг график, пунктацион, лексик, грамматик ва стилистик жиҳатлари ва уларни таржима қилиш йўллари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- амалий таржимада кенг қўлланадиган таржима трансформацияларини, уларнинг турларини, қўлланадиган тегишли ўринларини;
- сўз қўшиш, сўз тушириб қолдириш, умумлаштириш, конкретлаштириш усулларини яхши **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- сўз ва ибораларни гапга айлантиришни билиш;
- амалий таржимада учрайдиган лексик, грамматик, фонетик, график муаммоларини таржимада бериш;
- тилнинг бойлигини кўрсата билиш;
- қийин сўزلарни таржима қила олиш;
- жумла, гап, ва ибораларнинг асосий мазмунини эслаб қолиш;
- жумланинг асосий мазмунини белгилар орқали тез ёзиб олиш;
- чет тилидаги кўп маъноли сўزلарни она тилига таржима қилиш;
- қуналик ҳаётий мазуларни таржима қилиш;
- оммавий ахборот воситалардаги турли матнларни таржима қилиш;
- газета услубига оид сўз, ибора ва гапларни таржима қилиш;
- радио, телевидение, газета ва журналларда қўлланадиган махсус сўз, термин ва қолип сўزلарни таржима қилиш;
- газета ва журнал мақолаларининг асосий мазмунини таржима қилиш;
- радио ва телевидениеда берилган ахборотлар мазмунини тезда англаб олиш ва таржима қилиш;
- оммавий-ахборот материалларини изоҳлаш, талқин қилиш ва шарҳлаш;
- ёзма таржима хусусиятларини билиш;
- ёзма таржиманинг лексик-грамматик хусусиятларини билиш ва таржима қилиш;
- ёзма таржимада лугатдан фойдалана олиш;
- музокаралар, йиғилиш ва конференциялардаги мулоқатларни визуал, кетма-кет, ва синхрон таржима қилиш;
- қийин сўزلарни йиққан билими ва контекст асосида таржима қилиш;
- таржимада синоним сўзлар ва гаплардан фойдаланиш;
- таржима жараёнида топқирликни намоён қилиш;
- таржимада юз берган қийинчиликлардан билими асосида чиқиб кетиш;
- таржима қилиб бўлмайдиган сўزلарни компенсация қила олиш **қўникмаларга эга бўлиши керак.**

#### 6.2.3.5. Стилистика ва матн таҳлили фани бўйича бакалавр:

- умумий тилшуносликнинг соҳаси, махсус тил воситалари, стилистик усуллар ва функционал услубларни ўрганувчи фан эканлиги;
- стилистика соҳасидаги мавжуд ўйналишлар;
- турли услубга хос матнларни стилистик таҳлил этиш;
- стилистиканинг мулоқат жараёнида тутган ўрни;
- матнларни стилистик таҳлил этишда қўлланадиган методлар;
- стилистик усулларни таржима қилиш йўллари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- турли услуб, жанрларга оид матнларни;
- турли олимларнинг стилистика ва матн таҳлили ҳақидаги назарий қарашлари;
- стилистика ва матн лингвистикаси ҳамда таҳлили бўйича мавжуд илмий қарашларни;
- таржима қилинган матнни услубини аниқлашни, қиёсий таҳлил қилишни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- турли жанрга тегишли асарларни ўрганишда назарий билимларни қўллаш;
- стилистик жиҳатдан турли жанрга оид матнлар таржимасини таҳлил этишда му- тахассис (таржимон ва таҳрирчи) сифатида ёндашиш;

- турли услубга оид матиларни ва уларнинг муаллифи ижодини ўрганишда тарихий ва турли методологик тамойилларни қўллаш;
- турли услубга оид асарлар жанрини ва уларнинг услубий жihatдан фарқлай олиш;
- стилистика ва матн таҳлилини таржима нуктаи назаридан ўрганиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### 6.2.2.6. Адабиёт назарияси фани бўйича

##### Бакалавр:

- мазкур курснинг мақсад ва вазифалари;
- адабиётнинг вазифалари ҳамда сўз санъати *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- асосий адабий термин ва тушунчалар системаси;
- метафора, истиора, образли сўз (кўчма маънодаги сўз ва иборалар);
- шеършунослик муаммолари;
- матншунослик;
- метод, жанр ва адабий услублар;
- адабий жараён тараққиётининг асосий қонуниятлари;
- адабиётшунослик мактаблари;
- бадийлик ва унинг мезонлари.
- адабий асарда мазмун ва шакл категорияси, таҳлил принциплари;
- бадий адабиётнинг турлари – эпос, лирика, драмага хос хусусиятлар;
- адабий жараён категориялари;
- ижодий услуб ва индивидуал ижодий услуб;
- поэтика муаммоларини *билиши ва малака ҳосил қилиши;*
- муайян адабий асарни таҳлил қила олиш;
- ўз илмий-тадқиқот ишларида адабиёт назариясига оид билимларидан фойдаланиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

**Танлов фанлари бўйича бакалаврларнинг билим, малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар:**

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанлари рўйхати ва уларнинг дастурлари ОТМ (факультет) Илмий Кенгаши томонидан белгиланади.*

#### 6.2.4. Ихтисослик фанлари бўйича талаблар

##### 6.2.4.1. Иккинчи чет тили:

##### Бакалавр:

- ўрганилаётган иккинчи чет тилининг морфологик тузилиши ва товуш тизими ва стилистик хусусиятлари, меъёрий грамматика асослари;
- ўрганилаётган иккинчи чет тилининг ривож ва тил доирасидаги асосий экстралингвистик шаклланишнинг асосий омиллари ҳамда тарихий манбалари, унинг диалектик хилма-хиллиги;
- иккинчи чет тилида мулоқотнинг оғзаки ва ёзма турлари;
- хорижий тилларда фикрни лисоний ифода қилиш усуллари ва уларнинг оғзаки ва ёзма нутқда қўлланиш қонуниятлари;
- нутқнинг диалогик ва монологик шакллари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- иккинчи чет тилининг замонавий ҳолати тавсифи, ёзув, графика, орфография, пунктуация, лексик-грамматик туркумлар, сўз тузилишини;
- иккинчи чет тилида содда ва кўшма гаплар, сўз бирикмалари синтаксиси, лексика ва ёзма нутқ, диалектик лексиканинг асосий хусусиятларини;
- ўрганилаётган иккинчи чет тилида кенг тарқалган кундалик ва касбий вазиятларда сўзлаган нутқини тушуна олишни;

- кундалик турмушга оид матнларни (радио, телевидение, видеокассеталар) ҳамда илмий матнларни тушуна олиш ва улардан ўзи учун зарур бўлган ахборотни олишни;
- жаҳоннинг турли давлатлари маданияти хусусиятларини қиёслаш, солиштириш ва таҳлил қилиш;
- лисоний ва мамлакатшуносликка алоқадор билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, коммуникатив кўникмаларини фаоллаштириш учун замонавий инфор­мацион технологияларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- ўрганилаётган иккинчи чет тилида берилган ўртача кийинчиликдаги матнларни таржима қила олиш;
- иккинчи чет тилида хорижий мутахассислар билан касбий ва маиший вазиятлар мавзусида жонли мулоқот олиб бориш;
- янги инфор­мацион технологиялардан касбга йуналтирилган максадларда фой­далана олиш *кўникмаларига эга бўлиши керак*.

### 6.3. Танлов фанлари бўйича бакалаврларнинг билим, малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар:

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

## 7. Таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари

7.1. 5120200 – *Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури таълимнинг кундузги шакли бўйича 4 йил ўқишга мўлжалланган бўлиб, қуйидаги вақт тақсимо­тига эга:

Назарий ва амалий таълим	136 ҳафта
Малака амалиёти	14 ҳафта
Битирув иши (лойиҳаси)	5 ҳафта
Аттестациялар	19 ҳафта
Таътиллار	30 ҳафта
<b>Жами</b>	<b>204 ҳафта</b>

7.2. Талаба ҳафталик ўқув юк­ла­масининг максимал ҳажми 54 соат, шундан аудиториядаги ўқув юк­ла­маси - 30 (32) соатгача, қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

7.3. Жорий, оралик ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда таълим дастурининг умумий ҳажми 4 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юк­ла­малардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

7.4. Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

7.5. 5120200 – *Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)* таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг зарурий мазмуни ва компонентлари

#### 7.5.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар мазмуни ва компонентлари

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг зарурий мазмуни ва компонентлари «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

## 7.5.2. Математик ва табиий-илмий фанлар мазмуни ва компонентлари

### 7.5.2.1 Олий математика асослари:

Ҳозирги замон математикасининг асосий шаклланиш поғоналари: математик исбот; рақамнинг чегарасиз кўпчилиги, муносабатлари, асосий қисмлари; комбинаторика, тугалланган ва тугалланмаган кўплик; алгебранинг чегаравий услублари, яъни унинг иқтисодий масалалардаги моҳияти; математик таҳлилнинг асосий бўлимлари; дифференциал ва интеграл рақамлар ва уларни динамик иқтисодиётдаги вазифаси; вазифаларни математик методлар асосида ечиш; мақсадли фаолиятни ечишда математик услубларнинг моҳияти; эҳтимол назариясининг элементлари; математик статистикасининг асосий тушунчалари; гипотезаларни аниқлашда математик методнинг ўрни; математикани ижтимоий фанлардаги ўрни; информация назарияси ва кодлаштиришдаги асосий тушунча ва методлар; иқтисодий вазифаларни ечиш учун мўлжалланган шахсий ЭХМларнинг дастурий ва инструментал воситалари.

### 7.5.2.2. Информатика ва ахборот технологиялари:

*Ахборот тушунчаси:* маълумот тўплаш, узатиш, ишлов бериш ва йиғиш жараёнларининг умумий тавсифи; ахборот жараёнларини амалга ошириш техник ва дастур воситалари, функционал ҳисоблаш масалаларини ечиш моделлари; маълумотлар базаси.

Компютер тизимларида ахборотни ишлаш учун техник ва дастурий воситалар йиғиндиси; маълумотни кўрсатиш ва узатиш моделлари; маълумотлар базасини яратиш технологияси, маълумот базасини бошқариш тизими; маълумот базасини яратиш усуллари; шахсий компютерлар локал тармоқлари; коммуникация воситаси ва компютерлар дунё

тармоқлари, HTML тили ва бошқа усуллар билан интернет учун WEB саҳифалар яратиш усуллари; электрон почта; мултимедияли технология.

### 7.5.2.3. Ёш физиологияси ва гигиена:

Организмнинг ёш хусусиятлари ва органлар ҳамда тизимларнинг турли вазифалари. Организм - яхлит бир тизим. Одамнинг ўсиш ва ривожланиши. Организмнинг атроф-муҳит билан алоқадорлиги. Ирсий касалликларнинг генезиси ва уларни профилактика қилиш масалалари. Ёш организмнинг ўсиши ва ривожланишининг ўзига хослиги. Ички секреция безларининг фаолияти. Гармонлар муҳим биостимулятор ва регулятор сифатида. Тўқима, орган ва организмлар вазифаларининг гуморал бошқаруви, организмлар ҳаёт фаолиятида нерв тизимининг аҳамияти. Ҳар томонлама тараққий этган шахсни тарбиялашда соғлом турмуш тарзининг аҳамияти. Болалар соғлиғини ҳимоя қилишда оиланинг ўрни. Соғлом организмни таъминлашда овқатланиш кун режими ва бошқа омилларнинг аҳамияти. Инсон организмнинг жисмоний ва руҳий соғлом бўлишида гигиенанинг аҳамияти. Шахсий гигиенага қўйиладиган талаблар ва гигиена меъёрлари.

### 7.5.2.4. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш:

*биосфера ва инсон:* биосферанинг тузилмаси, экологик тизимлар, муҳит ва организмларнинг ўзаро муносабати, экология ва инсон саломатлиги, атроф-муҳитнинг умум-башарий муаммолари;

*табиатдан фойдаланиш:* табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва табиат муҳофазасининг экологик тамойиллари, табиатдан тежаб-тергаб фойдаланиш асослари, экологик ҳимоя техникаси ва технологияси, экологик ҳуқуқ асослари ва касбий масъулият, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик;

### 7.5.2.5. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги:

Экологик хавфсизлик миллий хавфсизликнинг ажралмас бир бўлаги эканлиги. Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиатдан оқилона фойдаланишга оид давлат сиёсати, дастурлари ва режалари. Халқаро ҳамжамиятнинг умумэтироф этилган ҳуқуқ нормалари орқали экологик маънавиятли ёшларни тарбиялаш замонамизининг долзарб муаммоларидан бири эканлиги. Экологиянинг назарий-илмий асослари

Табиат-инсон-жамият муносабатлари ва унинг даврий ривожланишининг оддий, иктисодий ва экологик муносабат шакллари. Табиат-инсон-жамият муносабатларини уйғунлаштириш зарурати. Экология фанининг келиб чиқиши, тушунчаси, ривожланиш босқичлари, мақсади ва вазифалари. Экологиянинг фанлар ўртасида тутган ўрни, экологик фанлар тизими. Экологияни фанлараро алоқадорлиги ва узвийлик қондалари. Экологик концепциялар ва принциплар. Экологик хавфсизликни таъминлаш зарурати. Республикамизда экологик хавфсизликни таъминлаш муаммолари. Глобаллашув жараёни, унинг республикамиз учун ижобий ва салбий таъсири.

#### 7.5.2.7. Мамлакатшунослик:

тили ўрганилаётган мамлакатлар халқининг тарихи: тили ўрганилаётган халқнинг давлатчилик тарихи, келиб чиқиши, тараққиёт босқичлари;

тили ўрганилаётган мамлакатларнинг тарихий ва ижтимоий-сиёсий ривожланиши: хорижий мамлакатларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни; давлатлараро ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлари; тили ўрганилаётган мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикаси ўрасидаги ҳамкорлик алоқалари.

#### 7.5.3. Умумқасбий фанлар мазмуни ва компонентлари

##### Бакалавр:

##### 7.5.3.1. Асосий ўрганилаётган тил:

Ўрганилаётган тилнинг шаклланиш босқичлари; тилнинг типологик тадқиқи; ҳозирги адабий тилнинг умумий ҳолати; ёзувнинг шаклланиши, миллий ёзувнинг тарихий тараққиёти; тилнинг фонетик тизими, ёзув ва товуш муносабатлари; фонетик ҳодисалар; орфоэпия; имло хусусиятлари, пунктуация; тилнинг лугат таркиби, ўз ва ўзлашган қатлам; сўз ва унинг маъноси; тилда кўп маънолилиқ ҳодисаси; синонимия, омонимия, антонимия ҳодисалари; тилнинг морфологик қурилиши; сўз ясаиш усуллари; сўз туркумлари, уларнинг ўзига хос белгилари; грамматик ва типологик категориялар; тил универсалиялари; изоморфизм ва алломорфизм; интерференция ҳодисаси; ўрганилаётган тилнинг синтактик хусусиятлари; сўз бирикмаси, эркин ва тургун сўз бирикмалари, синтагмалар; гап қурилиши, гап бўлаклари; гап турлари, содда ва қўшма гаплар; кўчирма ва ўзлаштирма гаплар; нутқ жараёнида тўлиқсиз гапларнинг тутган ўрни; стилистика, оғзаки ва ёзма нутқ; ўрганилаётган тилнинг функционал услублари; нутқ маданияти масалалари; ёзма ва оғзаки нутқда турли услубий воситалардан фойдаланиш; сўз бойлигини орттириш учун мўлжалланган мавзу гуруҳлари; публицистик ва бадий адабиёт намуналари; ўрганилаётган тилдан она тилига ва она тилидан ўрганилаётган тилга таржима йўллари; матн таржимаси асослари; талабаларнинг ёзма ва оғзаки нутқини ўстириш; ўрганилаётган тилда расмий ҳужжатлар юритиш ва расмий ёзишмалар усуллари. Тиллар тузилишининг умумий қонуларини ўрганувчи тилшуносликнинг алоҳида бўлими. Тиллар типологиясининг бўлимлари: типология, генетик типология, (қиёсий-тарихий тилшунослик), ареал типология (ареал тилшунослик). Хорижий ва она тилларининг қиёсий типологияси (контрастив лингвистика). Хорижий ва она тилларининг қиёсий типологияси. Микрокатегориялар: грамматик категориялар, семантик майдон, лексик, семантик гуруҳ, синтактик категория, сўз ясаиш майдони, сўз туркуми, синтактик майдон ва бошқалар. Макрокатегориялар: тушунча категорияси, функционал семантик майдон, грамматик, лексик майдон, типологик категория. Функционал, семантик, грамматик, лексик ва типологик категория назарияларининг бир-бирига яқинлиги ва уларнинг тилдаги айнан бир тил ҳодисасига турлича ёндашиш натижаси эканлиги.

##### 7.5.3.2. Тил назарияси:

Тилшунослик фанининг ўрганиш соҳаси; тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши: тил - ижтимоий ҳодиса; тил ва нутқ бирлиги; тил ва тафаккур бирлиги; тил ва нутқ қатламлари; фонетика ва фонология фанларининг шаклланиши, уларнинг ўрганиш объектлари; товушларнинг физик, физиологик ва лингвистик хусусиятлари; фонетика; фонема, фон ва аллофон тушунчалари; товушларнинг ўзгариш қонулари; грамматика;

грамматика фани шаклланишининг тараққиёт босқичлари; морфология, унинг ўрганиш доираси: морфема, морф ва алломорф; сўз таркибининг ўзгариши; тилнинг грамматик воситалари; грамматик категория; сўз туркумлари; лексикологиянинг ўрганиш мавзулари; сўз, тушунча ва предмет; синонимлар, омонимлар, антонимлар, полисемантик сўзлар; тилнинг лугат таркиби; тил лугат таркибининг бойиб бориш омиллари; лексикографиянинг ўрганиш мавзулари; синтаксиснинг ўрганиш доираси ва предмети; гап синтаксиси; синтактик боғланиш турлари ва воситалари; гапни актуал бўлакларга ажратиш масаласи; тилда матн тузиш аънаналарининг юзага келиши ва тараққиёти; тилларнинг типологик таснифи: генетик типология; тиллар оиласи тушунчаси; қиёсий типология; тилларнинг функционал типологияси; ёзув ва унинг адабий тил тараққиётидаги ўрни; ёзув турлари.

### 7.5.3.3. Таржима назарияси ва тарихи:

Назарий билимларни амалиётда қўллашни билиш; таржиманинг назарий асослари билан танишиш; таржиманинг грамматик муаммолари; таржиманинг лексик муаммолари; таржиманинг фразеологик муаммолари; таржиманинг стилистик ва прагматик муаммолари; таржима типлари; лексик муқобиллик; таржимада қўлланиладиган асосий методлар; таржимашунослик соҳасида мавжуд бўлган баҳслар ҳақида асосий масалалар; таржимани объектив баҳолай олиш ва таҳлил қилиш; ёзма ва оғзаки таржиманинг асосий хусусиятларини ўрганиш ва малакаларини ривожлантириш; таржимада муқобилликнинг турларини англаш; таржимашунослик соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш; олинган назарий билимларни асарлар таржимасида қўллай олиш; таржимада тил воситаларини онгли равишда танлаш, она тили ва чет тилларидаги лексик, семантик, фразеологик услубий матнларнинг ўзига хосликларини инобатга олиш малакасини эгаллашга имкон яратиш; чет тилида сўзлашувчи халқнинг таржима соҳасида эришган тажрибаси; шарқ мамлакатлари халқлари ва Ғарбий Европадаги қадимий греклардан ҳозирги замонгача бўлган даврда ривожланиш тарихи; Шарқ мамлакатларига хос адабий жанрлар, Британиядаги романлар, скандинавлар ва норманлар истилоси давридаги таржимага бўлган эътибор; қадимий таржима мактаблари ва уларнинг фан, маданиятга қўшган ҳиссалари; қадимий Туркистондаги таржимачилик ва унинг тараққиёти; Европа, Шарқ ва Марказий Осиёдаги атоқли таржимонлар ҳаёти ва уларнинг таржима назариясига қўшган ҳиссалари; турли асрларда таржимачиликда пайдо бўлган қарашлар ва муаммолар; юртимизнинг улуг намоёндалари Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Фаробий, Бобур, Алишер Навоий ва бошқаларнинг таржимачиликка қўшган ҳиссалари; таржима тарихида юзага келган муаммолар ва олимларнинг улар ҳақидаги баҳслар, фикр-мулоҳазалари; таржима соҳасида яратилган асосий методлар; қадимий таржимонлар ва тадқиқотчиларнинг тажрибаларини ўрганиш; таржима тарихи соҳасида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш; таржима тарихида буюк таржимонлар яратган тажриба ва услубларини ҳозирги замон таржимачилигига татбиқ эта олиш.

#### *Таржимонлик мутахассислигига кириш*

Таржимон давлатлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатувчи ва давлат аҳамиятига эга бўлган мутахассислик эканлиги, таржимон маърифат тарқатувчи, ўз халқининг бошқа халқларнинг буюк олимлари, ёзувчиларининг асарлари билан таништиришга мушарраф этиши, ҳар икки тилнинг миллий руҳи ва ранг-баранг воситаларини ва уларнинг муқобилларини топиш, таржимон фаолияти ва у олиб борадиган машғулот ва ишларни тушунтириш. Таржимон услуби. Асл нуسخа муаллифи услубини таржимада сақлаш. Тил воситаларидан фойдаланганда таржимоннинг ўзига хос йўли, услуби. Сўзлашиш, билим маданияти, таржима ҳақида олимларнинг фикрлари, таржимоннинг асосий вазифалари, таржимонлар маърифат тарқатувчилардир. Таржимон маҳорати, бадний асарларни таржима қилишда таржимон маҳорати. Таржимон услуби, шеърятда таржимоннинг услуби, таржимон услубининг хусусиятлари, таржимон маданияти ва унинг асосий тамойиллари, сўзлашув маданияти, билим маданияти, урф-одатларнинг маданиятга

таъсири, таржимон фазилати. Таржима ҳақида умумий тушунча, таржима тушунчасининг мазмуни, таржима ва интерпретация, таржимон ва китобхон, бадий адабиёт ва бадий таржима, таржимон муаммоси, таржимонлик касби, унинг мақсад ва вазифалари.

#### 7.5.3.4. Амалий таржима:

Нутқ жараёнида ишлатиладиган сўз ва ибораларни гапга айлантириш, музокаралар, йиғилиш ва конференциялардаги таржима мулоқотлари, давлатлар, шаҳарлар номларини ва уларнинг географик жойлашиши, давлат тузуми, давлат сиёсатига оид матнларни ўрганиш ва уларни таржима қилиш, маданият, санъат ҳақидаги матнларни, диалогларни таржима қилиш, она тили ва ўрганилаётган чет тилини пухта билиш, айтилган жумла, гап ва ибораларнинг асосий мазмунини тезда эслаб қола олиш, тезкорлик билан эшитилган жумланинг асосий мазмунини белгилар орқали ёзиб олиш, ёзиб олинган жумлани асосини белгиловчи калит сўзлар ва иборалар орқали эшитилган ахборотнинг асосий мазмунини тиклаб, тезда бошқа тилга ўтириш, оғзаки эшитиб, тушуниш, асосий мазмунини эса саклаб қолиш, назарий билимларни амалиётда қўллаш.

Она тилидан чет тилига таржима қилиш фаолиятини ўрганиш, она тилидан кўп маъноли сўзларни чет тилига таржима қилиш, синоним сўзларнинг маъноларини чет тилига таржима қилаётганда фарқлаш, чет тилига таржима қилишда матнни стилистик таҳлил қилиш, кундалик ҳаётий мавзуларни таржима қилиш, спорт, маданият ва сиёсий мавзуларни таржима қилиш, тараққиёт ва иқтисодга оид матнлар таржимаси, техника ва sanoatga оид матнлар таржимаси, тиббиётга оид матнлар таржимаси, экологик ва жамиятга оид матнлар таржимаси, она тилида ёзилган матн, нутқ ва хабарларни ўрганилаётган тилга таржима қилиш усуллари билиш, турли соҳаларга оид матнлардаги терминологияни билиш, она тили ва таржима қилинаётган тилдаги грамматик қурилишнинг ўхшашлик ва фарқини аниқлаш, таржимада учрайдиган қўшиш, тушириб қолдириш, ўрин алмаштириш ҳодисаларини қўллаш, турли соҳага оид матнларни таржима қила олиш, амалий ва назарий курсларда тўпланган кўникма маҳоратларини ишлата билиш.

*Оммавий ахборот таржимаси:* Ватанимизда ва дунёдаги воқеалардан хабардор бўлиши, ахборотларни таржима қилиши, ўрганилаётган тилда нашр қилинган газеталар, журналларнинг номи, уларнинг структураси ва мақолаларни жойлашиши ҳақида, ўрганилаётган тилда сўзлашувчи халқнинг маданияти, давлат тузуми, конституцияси ва географик тузилиши ҳақида, сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётда учрайдиган воқеалар, хабарларга оид сўз ва ибораларни билиш, радио, телевидение хабарларини эшитиб тушуниш ва таржима қилиш, газета ва журналлардаги мақолаларнинг асосий мазмунини сўзлаб бериш ва таржима қилиш, она тилида ёки чет тилида ўқиган турли характерга эга бўлган ҳар қандай мақолани ўрганаётган тилда шарҳлашни билиши, ўтилган мавзу ва ўқилган газета материаллари асосида олиб бориладиган суҳбатларда иштирок эта олиш, радио, телевидение орқали бериладиган хабарларни эшитиб мазмунини тезда англаш ва ўз сўзи билан баён қилиб бериш, турли характерга эга бўлган оммавий-ахборот материалларини изоҳлаш ва шарҳлаш малакасига эга бўлиш.

*Ёзма таржима:* Ёзма нутқ лугат таркиби ва грамматик қурилиш ва уларнинг ўрганилаётган хорижий ва она тилидаги ўзига хос хусусиятлари. Ёзма таржимада қўлланиладиган гаплар тузилиши, пунктуация, матннинг асл мазмуни она тилида берилиши. Таржимада содда ва қўшма гапларнинг эквивалентини ҳар икки тилда тўғри топиш, атамаларнинг эквивалентини аниқлаш. Ёзма таржимада лугат билан ишлаш. Таржима диктанти ўтказиш, давлат расмий ҳужжатларини таржима қилиш йўллари билиш. Ўрганилаётган тилда ариза, таржимаи ҳол, хат ёзиш усуллари. Бунда кундалик ҳаётни билдирувчи, лексик терминлардан ташкил топган қисқа эпизодик лавҳалар, кичик ҳажмдаги учрашув, сўзлашув ва шунингдек, қисқа ҳажмдаги маъмурий ва иқтисодий матнлар таржимаси. Учрашувлар (маҳаллий, халқаро ва анъанавий), маънавий мулоқотларга кундалик ҳаётда учраб турадиган радио ва телевидениедаги ахборотлар,

таъсири, таржимон фазилати. Таржима ҳақида умумий тушунча, таржима тушунчасининг мазмуни, таржима ва интерпретация, таржимон ва китобхон, бадий адабиёт ва бадий таржима, таржимон муаммоси, таржимонлик касби, унинг мақсад ва вазифалари.

#### 7.5.3.4. Амалий таржима:

Нутқ жараёнида ишлатиладиган сўз ва ибораларни гапга айлантириш, музокаралар, йиғилиш ва конференциялардаги таржима мулоқотлари, давлатлар, шаҳарлар номларини ва уларнинг географик жойлашиши, давлат тузуми, давлат сиёсатига оид матнларни ўрганиш ва уларни таржима қилиш, маданият, санъат ҳақидаги матнларни, диалогларни таржима қилиш, она тили ва ўрганилаётган чет тилини пухта билиш, айтилган жумла, гап ва ибораларнинг асосий мазмунини тезда эслаб қола олиш, тезкорлик билан эшитилган жумланинг асосий мазмунини белгилар орқали ёзиб олиш, ёзиб олинган жумлани асосини белгиловчи калит сўзлар ва иборалар орқали эшитилган ахборотнинг асосий мазмунини тиклаб, тезда бошқа тилга ўтириш, оғзаки эшитиб, тушуниш, асосий мазмунини эса саклаб қолиш, назарий билимларни амалиётда қўллаш.

Она тилидан чет тилига таржима қилиш фаолиятини ўрганиш, она тилидан кўп маъноли сўзларни чет тилига таржима қилиш, синоним сўзларнинг маъноларини чет тилига таржима қилаётганда фарқлаш, чет тилига таржима қилишда матнни стилистик таҳлил қилиш, кундалик ҳаётнинг мавзуларни таржима қилиш, спорт, маданият ва сиёсий мавзуларни таржима қилиш, тараққиёт ва иқтисодга оид матнлар таржимаси, техника ва sanoatga оид матнлар таржимаси, тиббиётга оид матнлар таржимаси, экологик ва жамиятга оид матнлар таржимаси, она тилида ёзилган матн, нутқ ва хабарларни ўрганилаётган тилга таржима қилиш усуллари билиш, турли соҳаларга оид матнлардаги терминологияни билиш, она тили ва таржима қилинаётган тилдаги грамматик қурилишнинг ўхшашлик ва фарқини аниқлаш, таржимада учрайдиган қўшиш, тушириб қолдириш, ўрин алмаштириш ҳодисаларини қўллаш, турли соҳага оид матнларни таржима қила олиш, амалий ва назарий курсларда тўпланган қўшиқма маҳоратларини ишлата билиш.

*Оммавий ахборот таржимаси:* Ватанимизда ва дунёдаги воқеалардан хабардор бўлиши, ахборотларни таржима қилиши, ўрганилаётган тилда нашр қилинган газеталар, журналларнинг номи, уларнинг структураси ва мақолаларни жойлашиши ҳақида, ўрганилаётган тилда сўзлашувчи халқнинг маданияти, давлат тузуми, конституцияси ва географик тузилиши ҳақида, сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётда учрайдиган воқеалар, хабарларга оид сўз ва ибораларни билиш, радио, телевидение хабарларини эшитиб тушуниш ва таржима қилиш, газета ва журналлардаги мақолаларнинг асосий мазмунини сўзлаб бериш ва таржима қилиш, она тилида ёки чет тилида ўқиган турли характерга эга бўлган ҳар қандай мақолани ўрганаётган тилда шарҳлашни билиши, ўтилган мавзу ва ўқилган газета материаллари асосида олиб бориладиган суҳбатларда иштирок эта олиш, радио, телевидение орқали бериладиган хабарларни эшитиб мазмунини тезда англаш ва ўз сўзи билан баён қилиб бериш, турли характерга эга бўлган оммавий-ахборот материалларини изоҳлаш ва шарҳлаш малакасига эга бўлиш.

*Ёзма таржима:* Ёзма нутқ лугат таркиби ва грамматик қурилиш ва уларнинг ўрганилаётган хорижий ва она тилидаги ўзига хос хусусиятлари. Ёзма таржимада қўлланиладиган гаплар тузилиши, пунктуация, матннинг асл мазмуни она тилида берилиши. Таржимада содда ва қўшма гапларнинг эквивалентини ҳар икки тилда тўғри топиш, атамаларнинг эквивалентини аниқлаш. Ёзма таржимада лугат билан ишлаш. Таржима диктанти ўтказиш, давлат расмий ҳужжатларини таржима қилиш йўллари билиш. Ўрганилаётган тилда ариза, таржимаи ҳол, хат ёзиш усуллари. Бунда кундалик ҳаётни билдирувчи, лексик терминлардан ташкил топган қисқа эпизодик лавҳалар, кичик ҳажмдаги учрашув, сўзлашув ва шунингдек, қисқа ҳажмдаги маъмурий ва иқтисодий матнлар таржимаси. Учрашувлар (махаллий, халқаро ва анъанавий), маънавий мулоқотларга кундалик ҳаётда учраб турадиган радио ва телевидениедаги ахборотлар,

газеталар шарҳи, спорт ва маданият воқеалар таржимаси. Тилшунослик ва адабиёт (илмий адабиёт: қисқа ҳажмдаги илмий мақолалар, ҳикоя ва романлардан парчалар). Санъат ва маданият: санъат турлари, санъатга оид қолғу асбоблар, маданият ҳаётни акс эттирувчи турли маҳаллий ва халқаро тadbирлар. Спорт: дунёвий спорт, спорт турлари ва улар бўйича ўтказиладиган маҳаллий ва халқаро тadbирлар, чемпионатлар ҳақида ишро ёзиш. Фан ва техника: дунёвий фанлар, фан тараққиёти, фан ва техникага тегишли халқаро анжуманлар, кўтариладиган муаммолар ҳақидаги матиларни ўрганилаётган тилга ёзма таржима қилиш. Ёзиш техникаси, ёзишни такомиллаштириш йўллари, табиий ёзиш, ёзиш услубияни ўрганиш.

*Кетма-кет таржима:* Халқаро анжуманлар, музокаралар, симпозиумлар, учрашувларда она тилидан чет тилига ёки чет тилидан она тилига таржима қилиш малака ва кўникмаларини ривожлантириш, нотик нутқини махсус белгилар орқали қайд этиш техникасини ўрганиш, нотик нутқини хотирада сақлаб қолиш ва ўзининг сўз бойлигидан келиб таржима қилиш, нотик нутқини турли хил трансформацион усуллари ва методларини қўллаш имкониятига эга бўлиш. Кетма-кет таржима қилишнинг 3 та асосий принципига амал қилиши: англаш, таҳлил қилиш ва қайта ифода қилиш.

*Бадий таржима:* Ўзбек ва чет эл мумтоз ва ҳозирги замон адабиёти асарлари, шеърлар, ғазаллар, сонетлар ва бошқа жанрларни аслиятда тушуниш, бадий воситалар, миллий-маданият сўз ва иборалар ҳамда лисоний бирликларни ўзбек тилидан чет тилларига ва чет тиллардан ўзбек тилига таржима қилишда аслият ва таржима асари тили лексик, семантик, фразеологик ва стилистик қондаларга риоя этиш, шакл ва мазмун бирлигига эътибор қилиш, имкон қадар аслиятга яқин таржима қилиш. Бадий таржимада аслиятдаги каби эстетик таъсирни вужудга келтириш, бадий образни тўлиқ гавдалантириш учун жумла қурилишини ўзгартириш, турли усулларни қўллаш, шеърини ва насрий таржима турларини билиш. Бадий таржимада эквивалентлик ва адекватлик, бадий таржимада маънавий билимларни эгаллаш. Таржиманинг прагматик жиҳатлари. Таржима моделлари билиш.

*Терминология таржимаси:* Техник, тиббий, сиёсий, қишлоқ хўжалиги, саноат, санъат ва бошқа соҳаларга тегишли сўз ва иборалар ўргатиш ва бу соҳалардаги матнни таржима қилиш кўникмаларини ривожлантириш, турли соҳаларга тегишли халқаро анжуманларда таржима қилиш. Терминология ва терминологик лўғатлардан фойдаланиш. Матилардаги терминларнинг эквивалентларини хотирада сақлашга ўрганиш.

*Визуал таржима:* Бу таржима синхрон таржиманинг бошланғич қисми бўлиб, таржимада вақт меъёри узвийлигини сақлашга, таржимон билмаган сўз ва иборалар ўрнига унинг синонимларини қўллаш, матнни бир вақтни ўзида кўриб ва эшитиш ускуналари орқали эшитиб таржима қилиш, тез ўқиш техникасини мустаҳкамлаш. Визуал таржима бир тилдаги матн мазмунини иккинчи бошқа тилда оғзаки ўқиш орқали амалга оширишлар. Тез ўқиш ва нотик нутқидан кечга қолмаслик методларини билиши. Матнга оид сўз ва ибораларнинг бошқа тилдаги эквивалентларини хотирада сақлаш ва уларни тезда қўллаш усулларини билиши.

*Синхрон таржима:* Синхрон таржимада мавжуд бўлган муаммолар бўйича илмий қарашлар ва уларни қўлланишининг таҳлили, нотик нутқининг асосий мазмунини тезда англаш ва нотик нутқидан кечга қолмай таржима қилиш қобилиятини шакллантириш, сўз ва гап маъноларини эсда сақлаш ва нотик нутқидagi ноаниқ сўз ва гапларни контекст орқали англаб олиши, нотик нутқидagi сўз ва ибораларни синонимлар билан алмаштира билиши, микроревью, компрессия, субституция, трансформация ҳодисаларини билиши ва уларни синхрон таржимада қўллаш олиш, она тили ва таржима қилаётган тилни нечоғлик мукамал билиши, синхрон таржиманинг турли муаммолари бўйича малакавий иш устида ишлаш, дунё янгиликларига қизиқиш, кенг умумий билимга эга бўлиш, нотик айтаётган гапларнинг асосий мазмунини тезда англаш малакасига эга бўлиш, грамматик, орфографик пунктуацион ва методик жиҳатдан тўғри ёза олиш қобилиятига эга бўлиш, ҳар хил турдаги ҳужжатларни, расмий хатларни, ўрганилаётган тилнинг қонун

қондаларига асосан ёзиш, ёзма нутқнинг лексик, грамматик, стилистик жиҳатдан фарқловчи қондалари хақида тасаввурга эга бўлиш, ҳар хил типдаги машқлар ва матнлар тузиши ва қўллаш олиши, турли хилдаги диктантлар, баёнлар ва иншоолар ўрганилаётган тилда ёза олиш, ўрганилаётгани сўз ва ибораларни орфографик жиҳатдан тўғри ёзишни билиш, методик жиҳатдан тўғри ёза олиш малакасига эга бўлиш, турли характердаги ўқилган ёки тингланган материалларни қоғозга тушира олиш; хатоларни аниқлаш, тўғрилаш ва уларни тушунтириш қобилиятига эга бўлиш, ўқилган ва эшитилган матнлар бўйича аннотация ёзиш.

#### 7.5.3.5. Адабиёт назарияси:

*Адабиётшуносликка кириш.* Асосий адабий термин ва тушунчалар системаси ва аҳамияти. Метафора, истиора, образли сўз (кўчма маънодаги сўз ва иборалар). Шейршунослик муаммолари. Матишунослик. Метод, жанр ва адабий услублар.

*Адабиёт назарияси.* Адабий жараён тараққиётининг асосий қонуниятлари. Адабиётшунослик мактаблари. Адабиётнинг вазибалари. Сўз санъати. Унда образлиликнинг ўзига хос хусусиятлари. Бадиийлик ва унинг мезонлари. Адабий асар: мазмун ва шакл категорияси, таҳлил принциплари. Бадиий адабиётнинг турлари: эпос, лирика, драмага хос хусусиятлар. Адабий жараён категориялари: ижодий метод, адабий йўналиш, адабий оқим. Ижодий услуб ва индивидуал ижодий услуб. Поэтика муаммолари.

#### 7.5.3.6. Танлов фанлари

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанлари рўйхати ва уларнинг дастурлари ОТМ Илмий Кенгаши томонидан белгиланади.*

#### 7.5.4. Ихтисослик фанлари

##### 7.5.4.1. Иккинчи чет тили

товушларнинг физик, физиологик ва лингвистик хусусиятлари: фонетика ва тилнинг сегмент элементлари, фонема, фон ва аллафон тушунчалари; товушларнинг ўзгариш қонунлари; ассимиляция, диссимиляция, грамматика, мофология ва унинг ўрганиш объекти, предмети: морфема, морф ва алламорф, сўз, оддий таркибининг ўзгариши; тилдаги кўп маъноли сўзлар, тилнинг луғат таркиби, тилда луғатнинг бойиб бориш омиллари; иккинчи чет тилнинг шаклланиш босқичлари; тилнинг типологик тадқиқи; ҳозирги адабий тилнинг умумий ҳолати; ёзувнинг шаклланиши, миллий ёзувнинг тарихий тараққиёти; тилнинг фонетик тизими, ёзув ва товуш муносабатлари; фонетик ходисалар; орфоэпия; имло хусусиятлари, пунктуация; иккинчи чет тилининг луғат таркиби, ўз ва ўзлашган қатлам; сўз ва унинг маъноси; иккинчи чет тилининг морфологик қурилиши; сўз ясаиш усуллари; сўз туркумлари, уларнинг ўзига хос белгилари; иккинчи чет тилида грамматик категориялар; иккинчи чет тилининг синтактик хусусиятлари; сўз бирикмаси, эркин ва тургун сўз бирикмалари, синтагмалар; гап қурилиши, гап бўлаклари; гап турлари, содда ва қўшма гаплар; кўчирма ва ўзлаштира гаплар; нутқ жараёнида тўлиқсиз гапларнинг тутган ўрни; иккинчи чет тили стилистикаси, оғзаки ва ёзма нутқ; тилнинг функционал услублари; нутқ маданияти масалалари; ёзма ва оғзаки нутқда турли услубий воситалардан фойдаланиш; сўз бойлигини орттириш учун мўлжалланган мавзутурлари; публицистик ва бадиий адабиёт намуналари; иккинчи чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига таржима йўллари; матн таржимаси асослари; талабаларнинг ёзма ва оғзаки нутқини ўстириш; хорижий тилда расмий ҳужжатлар юритиш ва расмий ёзишмалар усуллари.

##### 7.5.5. Малака амалиёти

Талабалар умумқасбий фанларни ўзлаштиришида олган билимларини назарий ва амалий мустаҳкамлаш; техникавий лойиҳавий ва технологик ҳужжатлар турларини ва ўтиш босқичлари тартибини ўрганиш; замонавий тадқиқот қурилма ва ускуналар, тадқиқот усуллари ҳамда уларни фандаги муаммоларни вазибаларини ечишда қўллаш

кўникмаларига эга бўлиши; тажриба натижаларини қайта ишлаш усулларини ўзлаштириш; автоматлаштирилган талқикот тизимини ўрганиш.

#### **Таржимонлик амалиёти**

Таржимонлик амалиётининг мақсади юқори малакали таржимон мутахассисларни замон талабларига кўра тайёрлаш, талабаларнинг ўқиш давомида олган назарий билимларини амалда қўллаш, ўз таржимонлик маҳоратлари ва малакаларини ривожлантириш.

Амалиётда давлат ва нодавлат ташкилотларида, жумладан, кўшма корхоналар, элчихоналар, радио, телевидение, меҳмонхоналар, нашриётлар тахририяти, Ахборот агентликлари, хорижий тиллар билан боғлиқ ташкилотларда она тилидан чет тилига ва чет тилидан она тилига оғзаки ва ёзма таржима қилиш.

Таржимонлик малакасига эга бўлиш учун чет тилининг оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларини ривожлантириш, чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига тўғри ва раво таржима қила олиш малакаларини ривожлантириш.

#### **7.5.6. Битирув иши (лойиҳаси)**

Битирув иш(лойиҳа)лар мавзулари соҳанинг ривожланиши истикболи ва фан, таълим, техника, технология ва иктисодиётдаги замонавий ютуқлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасасининг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битирув иши (лойиҳаси)нинг мавзулари назарий (рефератив) ёки илмий-тадқиқот йўналишида бўлиши ҳам мумкин.

Битирув иши(лойиҳаси) топшириғи, одатда талабаларга учинчи курс тугатганидан кейин берилади. Битирув иши (лойиҳа) умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўзлаштирганлик даражаси бўйича тўртинчи курсда, шунингдек унинг бажарилиши учун ушбу стандарт томонидан белгиланган вақт давомида бажарилади.

Битирув ишнинг ҳажми мутасадди кафедра томонидан белгиланади.

## **8. Бакалавриятнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга бўлган талаблар**

### **8.1. Бакалавриятнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар**

**8.1.1.** Таълим дастурини ишлаб чиқишда ОТМ республика иктисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳисобга олиши керак.

ОТМлар таълим дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иктисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб туриши лозим.

**8.1.2.** Таълим дастурини ишлаб чиқишда ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўғаракларда, магистрларнинг илмий жамиятларида иштирокига қўмаклашиши лозим.

**8.1.3.** Компетентли ёндошуви амалга ошириш ўқув жараёнида машғулотларнинг фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни

кўриб чиқиш ва х.к.) шакллари ўтказишни, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллашни назарда тутиши керак.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказиладиган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талаба контингент хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 25 фоизи мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

**8.1.4.** Талабалар ўқув юкларининг максимал ҳажми таълим дастурига ОТМ томонидан кўшимча белгиланадиган факультатив фанларни ўзлаштириш бўйича аудитория ва аудиториядан ташқари (мустақил) таълим билан биргаликда ҳафтасига 54 академик соатдан ошмаслиги керак.

**8.1.5.** ОТМ талабалар учун ўқиш дастурини, бўлиши мумкин бўлган индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқишни инобатга олган ҳолда, шакллантиришда реал иштирок этиш имкониятини таъминлашга маъсул.

**8.1.6.** Ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларни уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништиришга, талабалар учун танлов фан(модул, курс)лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

**8.1.7.** Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ таълим дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни камраб олиши керак.

## **8.2. Таълим дастурларининг татбиқ этилиши**

**5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)** бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури аккредитацияланган олий таълим муассасаларида ривожланаётган таълим технологияларидан, ахборот-коммуникация технологияларидан ва таълимнинг замонавий техника воситаларидан фойдаланиб тайёрлашда амалга оширилади.

Хорижий тилларни талабалар томонидан ўзлаштирилишига ҳамда педагоглар томонидан ўқитилишига эътибор устувор бўлмоғи ва шароит яратилиши лозим.

Малакавий амалиётлар замонавий корхоналарда, ташкилотларда ва ИТИларида ўтказилади, улар талабаларни амалиёт дастурларида кўзда тутилган иш жойлари билан таъминлашлари керак.

Ўқиш даврида талаба камида иккита Давлат аттестацияларини (гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий ва чет тили фанларидан) топширади ва битирув иши (лойиҳаси)ни химоя қилади. Давлат аттестацияси мос интеграллашган курслар бўйича ўқув жараёни тугаллангандан кейин топширилади.

## **8.3. Малака амалиётларини ташкил этиш талаблари**

Амалиётлар бакалаврият таълим дастурининг мажбурий бўлаги ҳисобланади. Амалиётлар ўқув ёки ўқув-ишлаб чиқариш машғулотлари кўринишида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёргарланганлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури – ўқув-малакавий, ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётларини ўтишни ўз ичига олади.

Ўқишнинг иккинчи йилида ўқув-таълим амалиёти ўтказилади, мақсад – ўқиётганларни олий таълим муассасаси, ЎзР ФАнинг тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа давлат ва нодавлат илмий муассасалари лабораторияларининг мавзулари ва уларда илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш ҳамда талабаларни мос йўналишдаги муассасаларга ишга жойлаштириш имкониятлари билан таништирилади. Амалиёт натижаси ва ҳисоботи баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

*Ишлаб чиқариш амалиёти* таълабларни ихтисослик бўйича мос ЎзРФА ИТИ ва тармоқ институтлари ҳамда турдош ОТМ илмий лабораторияларида мавжуд замонавий қурилмаларда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларида катнашишга, олинган натижаларни қайта ишлашда иштирок этишга, ишлаб чиқариш кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган. Шу билан бирга талабалар ишлаб чиқариш амалиёти давомида олган назарий билимларини мустаҳкамлайдилар; умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида дарсларда иштирок этадилар. Ўқув режа ва дарс жадвали тузиш жараёни билан танишадилар. Амалиётни ўтказиш муддатлари ўқув режаси билан аниқланади. Амалиёт тугагандан сўнг талабалар бажарилган иш ҳақида амалиёт ўқитувчилари-раҳбарлари ва қабул қилувчи ташкилот вакилларида таркиб топган комиссия олдида ҳисобот беришади. Баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

*Педагогик амалиётни* ўтказиш муддатлари ўқув режаси билан аниқланади. Амалиёт тугагандан сўнг ўқиётганлар бажарилган иш ҳақида амалиёт ўқитувчилари-раҳбарлари ва қабул қилувчи ташкилот вакилларида таркиб топган комиссия олдида ҳисобот беришади. Амалиёт натижасини баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

ЎМКХТ ва олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқитишнинг илғор педагогик ҳамда замонавий ахборот технологиялари асосида олиб бориш усуллари тўғрисида; педагогик амалиёт ўтиладиган муассасаларда мавжуд бўлган услубий кўрсатмалар, намунавий дастурлар, тарбиявий иш режалари, йўриқномалар ва х.к. ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил этиш борасида; малакавий амалиёт жойида ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни олиб бориш соҳасида зарурий билимларни эгаллаш тўғрисида тасаввур ҳосил қилади.

Таълим муассасаларининг ўқув-услубий бошқарма (бўлим)ларидаги аниқ бажарадиган иш фаолияти билан таниша олиши тўғрисида; битирув малакавий иши, битирув олди педагогик амалиёти ҳисоботи учун керакли бўлган маълумотларни амалиёт жойидан ола билиши борасидаги; кундалик дафтар юритиш, унда ҳар куни бажарилган иш мазмунини ёзиб бориш ва кун охирида амалиёт раҳбарига уни тақдим этиш ҳамда тасдиқлатиш хусусида; топшириқларни бажарганлиги ҳақидаги ёзма ҳисоботини кафедра профессор-ўқитувчиларидан тузилган комиссия олдида ҳимоя қила олиши тўғрисида кўникмаларига эга бўлади.

#### **8.4. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар**

Бакалаврият таълим дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича таянч маълумотга эга бўлган, билим, малака ва кўникамага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар, фан номзоди ва доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши керак.

Бакалаврият ўқув жараёнини ташкил этишда илмий-педагогик, илмий ёки илмий-методик фаолият билан шугулланаётган кадрлар билан узлуксиз таъминланиши керак.

Таълим жараёнига амалдаги тегишли тармоқ ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари ўқитувчиликка жалб этилиши мумкин.

Бакалаврият таълим дастурини амалга оширишга жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар ҳар 3 йилда малакаларини ошириб боришлари лозим.

#### **8.5. Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари**

Таълим дастури таълим дастурининг ҳамма ўқув курслари, фанлари (модуллари) бўйича ўқув-методик ҳужжатлар ва материаллар билан таъминланиши керак.

Таълим дастурининг амалга оширилиши ҳар бир талаба таълим дастуридаги фан (модул)ларнинг тўлиқ рўйхати бўйича шаклландиган маълумотлар базаси ва АРМ фондидан фойдаланиш ҳуқуқи билан таъминланиши керак.

Таълим дастури бўйича ҳар бир талаба ўрнатилган меъёрларга мос равишда таълим дастурига кирувчи касбий циклнинг ҳар бир фани бўйича ўқув ва ўқув-методик чоп этилган ёки электрон нашрлар билан таъминланиши керак.

АРМнинг асосий фонди охириги 10 йилда (гуманитар, ижтимоий ва иктисодий циклнинг базавий фанлари учун – охириги 5 йилда) чоп этилган ҳамма циклларнинг базавий қисми фанлари бўйича ўқув адабиётининг чоп этилган ёки электрон нашрлари билан тўлдирилган бўлиши керак.

Ўқув адабиётидан ташқари қўшимча адабиёт фонди расмий маълумотнома-библиографик ва даврий нашрларни ўз ичига олиши керак.

Таълим дастурини тўлиқ амалга ошириш учун ОТМнинг АРМда таълим йўналишининг ўқув режасида келтирилган фанлар бўйича яратилган адабиётлар, ўқув-методик қўлланмалар ( камида ҳар 6 нафар талабага 1 та адабиёт) бўлиши лозим.

Мамлакатимиздаги ва чет элдаги олий таълим муассасалари, корхоналари ва ташкилотлари билан оператив равишда ахборот алмашиш, замонавий касбий маълумотлар базалари, ахборотлар ва кидирув тизимларидан фойдаланиш имконияти билан таъминланган бўлиши керак.

**5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврни тайёрлаш жараёнида асосан қуйидаги педагогик технологиялар ва ўқитиш методларидан фойдаланиш максалда мувофик:

- ўқитишнинг интерфаол методи,
- муаммоли ўқитиш технологияси,
- ўйинли технологиялар,
- танқидий фикрлаш ривожланишининг педагогик стратегиялари,
- шахсий йўналганлик асосидаги педагогик технологиялар,
- ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилиш асосидаги педагогик технологиялар,
- ўқитишни дифференциациялаш,
- ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси,
- дастурий ўқитиш технологияси,
- ўқитишнинг комплекс методлари (лойихавий метод, тармоқли режалаштириш методи, ақлий ҳужум, ассоциограммалар методи ва х.к.)

#### **8.6. Ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар**

Бакалавр тайёрлашнинг таълим дастурини амалга оширувчи ОТМ ўқув дастурида назарда тутилган маъруза, амалий, семинар, лаборатория машғулоти хамда курс иши (лойихаси), амалий ва илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун санитария-гигиена, ёнғинга қарши қондалар ва меъёрларга мос келадиган моддий-техника базасига эга бўлиши керак.

Бакалавр таълим дастурини амалга ошириш учун ОТМнинг минимал зарур бўлган моддий-техник базаси:

- маъруза (поток ёки гуруҳлар) аудиториялари билан;
- семинар ва амалий машғулоти учун аудиториялар билан;
- илмий-тадқиқот ишини ўтказиш учун лабораториялар билан;
- ўқув машғулотида иллюстратив материалларни намойиш қилиш учун турли хил аппаратуралар билан;
- амалий машғулотлар ва лаборатория ишларини ўтказиш учун ўқув дастурига мос асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан;
- илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун зарур лаборатория жиҳозлари билан;
- интернет тармоғидан фойдаланиш учун глобал тармоққа уланган компьютер сифлари билан;

– семинар машгулотларини ўтказиш ҳамда чет тилини ўрганиш бўйича лингафон синфлари билан таъминланган бўлиши лозим.

## 9. Бакалавр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш

9.1. Бакалаврият йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагилардан иборат:

**ички назорат** – ОТМ томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом асосида ўтказилади;

**яқуний давлат назорати** давлат таълим стандартига мувофиқ фанлар бўйича яқуний давлат аттестацияси ва бакалавр битирув малакавий иши ҳимоясини ўз ичига олади;

**давлат-жамоат назорати** олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

**ташқи назорат** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тайёрланган кадрлар сифатини баҳолаш кадрлар истеъмолчилари томонидан уларнинг меҳнат фаолияти жараёнида амалга оширилади.

9.2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21 – сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ тартибга солинади.

9.3. ОТМ томонидан талабалар компетентлигини баҳолаш ва назорат қилиш тизими уларнинг бўлажак касбий фаолиятига максимал яқин бўлиши учун шароитлар яратилиши керак. Бунинг учун муайян фан ўқитувчиларидан ташқари ташқи экспертлар сифатида иш берувчилар, турдош фанлардан дарс берувчилар ва бошқалар бу жараёнга фаол жалб этилиши лозим.

9.4. Яқуний давлат аттестацияси бакалавр битирув малакавий иши ҳимоясини ўз ичига олади.

Битирув малакавий ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг яқуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида белгиланади.

9.5. Олий таълим муассасаси:

- ушбу стандартдаги талабларга риоя қилиниши;
- профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўқув-ёрдмачи ходимлар малакавий талабларга тўла мос келиши;
- ҳар бир фан дастурида назарда тутилган ўқув-методик адабиётлар, ўқув-услубий мажмуалар, шунингдек, мустақил таълим ва мустақил тайёргарлик учун материаллар билан таъминланганлиги;
- ўқув жараёнининг моддий-техникавий таъминланганлиги учун тўла масъулдир.

## 10. Эслатма

10.1. Олий таълим муассасасига:

- ушбу стандартда назарда тутилган минимал мазмунни таъминлаган ҳолда талабанинг ҳафталик максимал юкламасини ~~бўйича~~ ~~мадан~~ ~~ўқув~~ ~~га~~ материални

Ўзлаштиришга ажратилган соатлар ҳажмини ўқув фанлари блоклари учун 5% оралиғида, блокга кирувчи ўқув фанлари учун 10% оралиғида ўзгартириш;

– ўқув фанлари мазмунига фан, техника ва технологияларнинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади.

Талабанинг битирув малакавий иш(лойиҳаси) мавзуси олий таълим муассасасининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

**10.2.** Курс ишлари (лойиҳалари) муайян ўқув фаолиятининг бир тури сифатида қўрилади ва ушбу ўқув фанини ўзлаштириш учун ажратилган соатлар чегарасида бажарилади.

**10.3** ДТСни билиш профессор-ўқитувчилар таркибини танлов асосида саралаш шартларидан бири ҳисобланади.

**10.4.** 5120200 – *Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)* таълим йўналиши ўқув режаси ҳафталик аудитория ўқув юкламаси 30(32) соат бўлган структура асосида ишлаб чиқилади.

## 11. Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати

**11.1.** ДТС ўрнатилган тартибда тасдиқлашиб, “Ўзстандарт” агентлигида давлат рўйхатидан ўтгандан кейин амал қилиш муддати – 5 йил.

**11.2.** Давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий этиш тўғрисида янги тартиб-қоидалар қабул қилинса ДТСнинг амал қилиш муддати ўзгартириш мумкин.

4.00	Ўзлаштирилган фанлар	128
4.01	Ўзлаштирилган ҳақ тўлов	734
4.02	Ўзлаштирилган фанлар	635
4.03	Ўзлаштирилган фанлар	78
4.04	Ўзлаштирилган фанлар	456
4.05	Ўзлаштирилган фанлар	1344
4.06	Ўзлаштирилган фанлар	756
4.07	Ўзлаштирилган фанлар	270
4.08	Ўзлаштирилган фанлар	1836
4.09	Ўзлаштирилган фанлар	2052
4.10	Ўзлаштирилган фанлар	8396
4.11	Ўзлаштирилган фанлар	115074
4.12	Ўзлаштирилган фанлар	115074
4.13	Ўзлаштирилган фанлар	115074
4.14	Ўзлаштирилган фанлар	115074
4.15	Ўзлаштирилган фанлар	115074
4.16	Ўзлаштирилган фанлар	115074
4.17	Ўзлаштирилган фанлар	115074
4.18	Ўзлаштирилган фанлар	115074
4.19	Ўзлаштирилган фанлар	115074
4.20	Ўзлаштирилган фанлар	115074

O'ZSTANDART AGENTLIGA  
 STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT  
 NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA  
 AXBOROT TEXNOLOGIYALARI NI  
 JORIY ETISH BOSQARMASI

5120200 – *Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)* бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

Т/р	Ўқув фанлари ва блокларининг номлари	Умумий юклама-нинг ҳажми, соатларда
<b>1.00</b>	<b>Гуманитар ва иқтисодий-иқтисодий фанлар</b>	<b>1704</b>
<b>2.00</b>	<b>Математик ва табиий-илмий фанлар</b>	<b>784</b>
2.01	Олий математика асослари	98
2.02	Информатика ва ахборот технологиялари	256
2.03	Ёш физиологияси ва гигиена	98
2.04	Экология ва табиатни муҳофаза қилиш	128
2.05	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	128
2.07	Мамлакатшунослик	128
<b>3.00</b>	<b>Умумқасбий фанлар</b>	<b>3650</b>
3.01	Асосий ўрганилаётган тил	1246
3.02	Тил назарияси	100
3.03	Таржима назарияси ва тарихи	128
3.04	Амалий таржима	1536
3.05	Стилистика ва матн таҳлили	136
3.06	Адабиёт назарияси	128
3.07	Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти тарихи	128
	Танлов фанлари	
<b>4.00</b>	<b>Ихтисослик фанлар</b>	<b>734</b>
4.01	Иккинчи чет тили	656
	Танлов фанлари	78
<b>5.00</b>	<b>Қўшимча фанлар</b>	<b>450</b>
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>7344</b>
	Малака амалиёти	756
	Битирув иши	270
	Аттестациялар	1026
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>2052</b>
	<b>ҲАММАСИ:</b>	<b>9396</b>

U ZSTANDART AGENTLIGA  
STANDARTLASHTIRISH, PAVLAT  
NAZORATINI MUHOFIQLASHTIRISH V.  
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI  
JORIY ETISH BOSH BARTIY.



**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош Олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАР:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини  
ривожлантириш маркази

Директор  проф. Б.Х.Рахимов

2014 йил « 29 » январь .

М.Ў.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети


Ректор  Ш.Каюмов

2014 йил « 28 » январь .



**КЕЛИШИЛГАН:**


Ўзбекистон Миллий университети

Ректор  Ф. Мухамедов

2014 йил « 41 » февраль .



Ўзбекистон таржимонлар уюшмаси

Раис  Ю.Аджиаблаева

2014 йил « 4 » февраль .



ЎЗСТАНДАРТ АГЕНЛИГА  
СТАНДАРТИЛАСHTИРИШ, ДАВЛАТ  
НАЗОРАТИНГ АУВУФИЛАСHTИРИШ ВА  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ  
ЖОРИЙ ЕТИШ БУСҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Давлат тест марказида  
экспертизадан ўтказилди



Директор

Б.Исмаилов

2014 йил « 3 » март

М.Ў.

Эксперт гуруҳи аъзолари:

Ф.И.Ш.	Лавозими	Имзо
Раунова Л.Р.	ДИМ босм эшикчи	
Рўзиқиев Х.К. УрГУ	кадрлар мазсури Ф.Ф.Н., доцент	
Қизилмемидиев К.Қ.У. Ш.	кадрлар мазсури Ф.Ф.Н., доцент	
Н.А. Рахмонов ЎЗМУ	У.С.У профессор	
Мағанова Ю.У. ТII ГП Уин. Низам	Зав. кадрлар К.Ф.Н., доцент	
С.С. Саидов С.С.У	Филология Фанлари Коллоди	

ТАСДИҚЛАЙМАН:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг  
биринчи ўринбосари, "Ўзлуксиз таълим  
tizими стандартлари"ни стандартлаштириш  
бўйича техник қўмита раиси



O'z DSt \_\_:201\_\_ "5120200 – *Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)*" бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти лойиҳасини "Ўзлуксиз таълим тизими стандартлари"ни стандартлаштириш бўйича техник қўмитада техник экспертизадан ўтказиш бўйича  
Хулоса

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2014 йи л 23 майдаги "Ўзлуксиз таълим тизими стандартларини стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг Низоми ва таркибини қайта тасдиқлаш тўғрисида"ги 10ққ/31ққ/36/1-қ - сонли қўшма қарорига асосан тайёрланган O'z DSt \_\_:201\_\_ "5120200 – *Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)*" бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти лойиҳаси "Ўзстандарт" агентлиги билан келишилган шакл асосида техник экспертизадан ўтказилди.

O'z DSt \_\_:201\_\_ "5120200 – *Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)*" бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти лойиҳаси Республикадаги кадрлар тайёрловчилари ва истеъмолчилари билан ўзаро келишилган.

Техник экспертизадан ўтказилган O'z DSt \_\_:201\_\_ "5120200 – *Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)*" бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига, стандартлаштириш Давлат тизими, ўлчов бирликларини таъминлаш Давлат тизими, сертификатлаштиришнинг миллий тизими, стандартлаштиришнинг тармоқлараро тизими талабларига мос келади ва "Ўзстандарт" агентлигида Давлат рўйхатидан ўтказишга тавсия этилади.

Техник қўмита раиси  
ўринбосари

З.Ахмедов

Техник қўмита масъул котиби

А.А.Ходжаев

Олий таълим стандартларини  
стандартлаштириш бўйича  
кичик қўмита котиби

А.А.Умаров

Ишчи гуруҳ:

Б.Атаниязов

Д.Эргашев

С.Умарова